

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tar.44.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

РАҲИМОВ КОМИЛЖОН РАҲМАТОВИЧ

**ХОЖАГОН-НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИНИНГ ИЛДИЗЛАРИ
ВА ШАКЛЛАНИШ МАНБАЛАРИ
(IX–XIV асрлар)**

**07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари
07.00.03 – Жаҳон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Раҳимов Комилжон Раҳматович

Хожагон-нақшбандия таълимотининг илдизлари ва шаклланиш манбалари (IX–XIV асрлар) 5

Рахимов Комилжон Рахматович

Истоки учения хваджаган-нақшбандийа и источники его формирования (IX–XIV вв.) 34

Rakhimov Komiljon Rakhmatovich

Origins and sources of formation of the teachings of Khwajagan-Naqshbandiya (IX–XIV centuries)..... 66

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 70

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tar.44.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

РАҲИМОВ КОМИЛЖОН РАҲМАТОВИЧ

**ХОЖАГОН-НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИНИНГ ИЛДИЗЛАРИ
ВА ШАКЛЛАНИШ МАНБАЛАРИ
(IX–XIV асрлар)**

**07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари
07.00.03 – Жаҳон тарихи**

**ТАРИХ ФАҢЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.DSc/Tar138 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://beruni.tiu.uz>) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович**
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Маҳмуд Ҳасаний**
тарих фанлари доктори

Ҳаққулов Иброҳим Чориевич
филология фанлари доктори, профессор

Наврўзова Гулчехра Неъматовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон халқаро ислом академияси**

Диссертация ҳимояси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tar.44.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 10 август куни соат 14:30 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 79-уй, Тел.: (+99871) 262-54-61, Факс: (+99871) 262-52-77, e-mail: beruni1@uznet.net).

Докторлик диссертацияси билан Шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 79-уй, Тел.: (+99871) 262-54-61.

Диссертация автореферати 2022 йил “_____” _____ куни тарқатилди.
(2022 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н. Э. Каримова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси ўринбосари,
т.ф.д., профессор

Ф. Дж. Джуманиёзова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т.ф.н., доц.

Э. З. Нуриддинов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги турли куч марказлари ўртасида кескин ғоявий курашлар юз бераётган ҳозирги даврда ислом динининг инсонпарварлик ва тинчликпарварлик моҳиятини, инсоният тараққиётига қўшган ҳиссасини кўрсатиб бериш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Шунга кўра, кейинги йилларда жаҳон шарқшунослигида ислом илмлари – тафсир, ҳадис, фикҳ, калом ва тасаввуфни ўрганишга бўлган қизиқишнинг ошиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Шу билан биргаликда, ислом дини тарқалган мамлакатлар халқлари ҳаётидаги муҳим ҳодиса сифатида юзага келган, ушбу халқлар маданияти ва ижтимоий-фалсафий қарашларига катта таъсир ўтказиб, уларнинг маънавияти ва дунёқарашининг шаклланишида муҳим ўрин тутган тасаввуф етарли даражада ўрганилмоқда, деб бўлмайди.

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда мазкур мақсадларга йўналтирилган Имом Термизий, Имом Бухорий ва Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ва Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилди, қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизими янада такомиллаштирилди, Абдуҳолик Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик бошланди¹, 2017 йили Самарқанд вилоятида ҳадис илмий мактаби ҳамда Бухородаги Мир Араб олий мадрасаси ҳузурида Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуф илмий мактаби иш бошлади². Давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йилнинг 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида берилган таклифга³ кўра БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 12 декабрдаги ялпи сессиясида “Маърифат ва

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // <https://lex.uz/docs/3113645>; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // <https://lex.uz/docs/3263382>; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарори // <https://lex.uz/docs/4945427>; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 й. 24 июнь. – №125 (6819); Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолиятини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // <https://lex.uz/docs/5514989>; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Ислом академиясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (2017 йил 15 декабрь) // <https://lex.uz/docs/4873152>; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-126-Қарори // <https://lex.uz/uz/pdfs/5854226>; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Абдуҳолик Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида”ги Фармойиши (2017 йил 11 июль) // <http://www.press-service.uz/uz/lists/view/780>.

² Мирзиёев Ш. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 й. 16 июнь, №119 (6813). Б. 1.

³ Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади. // <https://uz.uz/uz/posts/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>

диний бағрикенглик” махсус резолюцияси қабул қилинди. 2020 йилда Бухоро шаҳрининг “Ислом олами маданияти пойтахти” деб эълон қилиниши муносабати билан чора-тадбирлар дастурининг тасдиқланиши ва амалга оширилиши ҳам бу йўлдаги муҳим қадамлардан бўлди.

Буларнинг барчаси буюк алломаларимиз қолдирган бой илмий ва маънавий мерос, жумладан, сўфий аждодларимизнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда улар томонидан яратилган асарларни ўрганишда янги даврни бошлаб бериши шубҳасиз. Бу давр тасаввуф тадқиқотлари билан шуғулланувчиларга янги имкониятлар яратибгина қолмасдан, уларнинг олдига нафақат ўлкамиздаги тасаввуф тарихи, сўфий аждодларимиз ҳаёти ва ижодини ҳар томонлама ўрганиш, балки юртимиз тасаввуфининг бутун тасаввуф тарихи ва тараққиётидаги алоҳида ўрнини кўрсатиб бериш вазифасини ҳам қўяди.

Мустақиллик йилларида бутун ўтмиш меросимиз қаторида хожагон-нақшбандия тариқати таълимоти, ушбу тариқат намояндalари ҳаётини ўрганиш ва халқимизга етказиш борасида катта ишлар қилинди. Жумладан, 1993 йили Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги, 2003 йилда Абдуҳолиқ Гиждувонийнинг 900 йиллиги, 2004 йилда эса Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллиги халқаро даражада кенг нишонланди. 2004 йил 27 майида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. 2008 йилдан эътиборан ана шу марказ муассислигида “Нақшбандия” илмий-ирфоний, адабий-маърифий уч ойлик журнали нашр этиб келиняпти.

Хожагон-нақшбандия тариқати тасаввуф тарихида вужудга келган илк, асосий ва кенг тарқалган тариқатларидан бири бўлганлиги, Марказий Осиё ва бошқа минтақалар халқлари тарихи, ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутганлиги сабабли Ўзбекистон ва хорижда анчагина ўрганилган. Шунга қарамай, ушбу тариқат тарихи ва таълимотининг кўпгина муҳим ва фундаментал жиҳатлари ҳалигача тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб келмоқда. Жумладан, ханузгача хожагон-нақшбандия таълимотининг вужудга келиш шарт-шароитлари ва келиб чиқиш илдизлари деярли ўрганилмаган, мазкур тариқат назарий манбаларининг айни таълимот шаклланишидаги ўрни эса ҳалигача махсус тадқиқ қилинмаган. Ҳолбуки, биринчидан, хожагон-нақшбандия тариқати куруқ ерда пайдо бўлган ёки, шу пайтгача тасаввур қилинганидек, тўлалигича бошқа ўлкалардан юртимизга олиб келинган таълимот бўлмасдан, Марказий Осиёда унинг вужудга келиши учун замин ва шарт-шароитлар мавжуд бўлган, жумладан, VIII–XI асрларда Марказий Осиё ислом цивилизациясининг бошқа йирик марказлари қаторида тасаввуфнинг зоҳидлик ҳамда сўфийлик мактаблари ва оқимлари даврини бошидан кечирган. Иккинчидан, хожагон-нақшбандия таълимоти муайян даражада IX–XI асрларда асосан Марказий Осиё, қисман Хуросон ва Ироқда яратилган тасаввуф манбаларидан озикланган.

Ҳозирга қадар ўзбек ва хориж тасаввуфшунослари тадқиқотларида XII асрда Абдулҳолиқ Гиждувоний томонидан асос солиниб, кейинги даврларда такомиллашиб борган, шунга кўра ўз тараққиётининг бир неча босқичларини

босиб ўтган хожагон-нақшбандия таълимотига яхлит бир таълимот сифатида ёндашувнинг мавжуд эмаслиги ушбу таълимотнинг вужудга келиши ва шаклланиши тарихи ҳақида тўғри ва аниқ тасаввурнинг ҳосил бўлишига тўсқинлик қилиб келди. Бу ҳолат мазкур таълимотнинг вужудга келиши учун мавжуд бўлган замин, унинг келиб чиқиш илдизлари ва шаклланиш манбаларини комплекс ва тизимли тадқиқ қилиш заруратини туғдирди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Россиялик шарқшунослардан В.Бартольд⁴ ва О.Акимушкин⁵, Эрон тасаввуфшуносларидан А.Зарринқўб⁶, турк тадқиқотчилари У.Турар⁷ ва Ҳ.К.Йилмаз⁸, ҳинд тасаввуфшуноси Ж.Субҳон⁹, Фарб тадқиқотчиларидан А.Книш¹⁰, А.Шиммель¹¹ ва Ж.Тримингэм¹² асарларида хожагон-нақшбандия тариқати ва таълимоти тўғрисида умумий маълумот бериб ўтилган. Россиялик шарқшунослардан А.Семенов¹³, В.Гордлевский¹⁴ ҳамда А.Хисматулин¹⁵, турк тадқиқотчиларидан Н.Тўсун¹⁶ ва Ҳ.Йилмаз¹⁷ асарларида ушбу тариқат махсус тадқиқ этилган. 1976 йили Парижда нашр этилган “*Studia Islamica*” тўпламининг XLIV қисми¹⁸, 1990 йили Истанбулда нашр этилган “Нақшбандия. Мусулмон сўфийлик тариқатининг тарихий ривожланиши ва ҳозирги ҳолати”

⁴ Бартольд В. В. Сочинения. Том VI. Работы по истории ислама и арабского халифата. – М.: “Наука”, 1966. – С.114–120.

⁵ Акимушкин О. *ал-Гидждувани* // Ислам. Энциклопедический словарь. – М.: “Наука”, 1991. – С. 54; Акимушкин О. *Зикр* // Ислам. Энциклопедический словарь. – С. 77; Акимушкин О. *ал-Маламатийа* // Ислам. Энциклопедический словарь. – С. 156; Акимушкин О. *Накибандийа* // Ислам. Энциклопедический словарь. – С. 187-188.

⁶ Зарринқўб А. Эрон тасаввуфи тўғрисида изланишнинг давоми (форс тилида) / Еттинчи нашр. – Техрон: “Амири Кабир”, 1387/2008. – Б. 206–213.

⁷ Турар У. Тасаввуф тарихи. – Т.: “Истиқлол”, 1999. – Б. 107–111.

⁸ Йилмаз Х.К. Тасаввуф и тариқати. Перевод с турецкого А. Урманова. М.: “Сад”, 2007. – С. 222–227.

⁹ Субхан Дж. А. Суфизм: Его святые и святые: Введение в изучение суфизма со специальным отношением к Индии и Пакистану / Пер. – М.; СПб.: Диля, 2005. – С. 127–151, 190–203.

¹⁰ Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм. Краткая история / Пер. с англ. М.Г.Романов. – СПб.: “Диля”, 2004. – С. 249–253.

¹¹ Шиммель А. Мир исламского мистицизма / Пер. с англ. Н. И. Пригариной, А. С. Раппопорт. 2-е изд., испр. и доп. – М.: “Садр”, 2012. – С. 281–288.

¹² Тримингэм Дж. С. Суфийские ордены в исламе / Пер. с англ. А. А. Ставиской, под ред. и предисл. О. Ф. Акимушкина. – М.: “София”, ИД “Гелиос”, 2002. – С. 90-91.

¹³ Семёнов А.А. Бухарский шейх Бахауд-дин. 1318–1389 (К его биографии) // Восточный сборник в честь А.Н.Веселовского. – М., 1914. С. 202–211.

¹⁴ Гордлевский В. А. Баха-уд-дин Накшбанд Бухарский (К вопросу о наслоениях в исламе) // Сергею Фёдоровичу Ольденбургу к пятидесятилетию научно-общественной деятельности 1882–1932. Сборник статей. – Л., 1934.

¹⁵ Хисматулин А. А. Суфийская ритуальная практика (На примере братства Накшбандийа). – СПб.: Центр “Петербургское Востоковедение”, 1996.

¹⁶ Necdet Tosun, Bahâeddin Nakşband: Hayatı, Görüşleri, Tarikati, İstanbul: İnsan Yayınları, 2007, 3. baskı.

¹⁷ Йилмаз Х.К. Золотая Сильсия [Перевод с турецкого: Д. Кадыров]. – Москва: “Сад”, 2009.

¹⁸ Hamid Algar. The Naqshbandī Order: A Preliminary Survey of Its History and Significance // *Studia Islamica* No. 44 (1976), pp. 123–152 (30 pages) Published By: Brill.

номли давра суҳбати аъзоларининг мақолалари¹⁹, 1994 йили Янги Дехлида нашр этилган “Confluence of cultures” тўплами²⁰, 1998 йилда Берлинда чоп этилган “Россия ва Марказий Осиёда XVIII асрдан то XX аср бошларигача мусулмон маданияти” номли тўпламининг 2-жилди²¹, 2000 Берлинда чоп этилган “Россия ва Марказий Осиёда мусулмон маданияти. 3-жилд: араб, форс ва турк қўлёзмалари (XV–XIX асрлар)” тўплами²², шунингдек, 2001 йили Санкт-Петербургда нашр этилган “Марказий Осиёда тасаввуф (чет эл тадқиқотлари)” номли мақолалар тўплами²³ хожагон-нақшбандия тариқатига доир муҳим тадқиқотларни ўз ичига олади. Тожикистонлик олимлардан А.Муҳаммадхўжаев ўзининг “Нақшбандийлик мафкураси” номли монографик тадқиқотида²⁴ хожагон-нақшбандия таълимотининг вужудга келиши ва тадрижий тараққиётини таҳлил қилди. Сўнги йилларда эронлик тадқиқотчиларнинг ҳам хожагон-нақшбандия тариқатини ўрганишга бўлган қизиқишлари кузатилмоқда. Жумладан, Муҳаммаджавод Умидворниё²⁵, Самона Ҳажорпур Халаж²⁶, Ялдо Озрамий²⁷, Акбар Рошидийниё²⁸ ва Марзия Роғибиёнларнинг²⁹ мақолаларида хожагон-нақшбандия тариқатининг вужудга келиши ва тарқалиши, ушбу тариқат таълимотининг айрим жиҳатлари тадқиқот объектига айлантирилган.

Рус шарқшуноси О.Акимушкин маломатия ва қаландария сўфийлик оқимлари ҳамда яссавия тариқати ғояларининг хожагон-нақшбандия таълимотига кўрсатган таъсири³⁰, америкалик тасаввуфшунос Девин ДиУис

¹⁹ Naqshbandis: Historical development and present situation of a Muslim mystical order = Naqshbandis: Cheminements et situation actuelle d'un ordre mystique Musulman. Proceedings of the Sevres Round Table, 2–4 May 1985. Published by Istanbul: Isis, 1990., Istanbul, 1990.

²⁰ Turkish Sufism in India: The case of the Yassawiya. Confluence of Cultures. French Contributions to Indo-Persian Studies, New Delhi: Manohar, 1994.

²¹ The Near and Middle East – Anke Von Kugelgen, Michael Kemper and Allen J. Frank (ed.): Muslim culture in Russia and Central Asia from the 18th to the early 20th centuries. Vol 2: Inter-regional and Inter-ethnic relations. (Islam-kundliche Untersuchungen, Bd. vii, 660 pp. 216) Berlin: “Klaus Schwarz Verlag”, 1998.

²² Muslim Culture in Russia and Central Asia, vol. 3: Arabic, Persian and Turkic Manuscripts, ed. by Anke von Kugelgen, Ashirbek Muminov and Michael Kemper, Berlin: “Klaus Schwarz Verlag”, 2000.

²³ Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования): Сб. ст. памяти Фрица Майера (1912–1998) / Сост. и отв. редактор А. А. Хисматуллин. – СПб.: Филологический факультет СПбГУ, 2001.

²⁴ Муҳаммадхўжаев А. Идеология нақшбандизма. – Душанбе: “Дониш”, 1991.

²⁵ Умидворниё, Муҳаммаджавод. Нақшбандийлик ва унинг Марказий Осиё ва Хитойдаги таъсири (форс тилида) // “Марказий Осиё ва Кавказ тадқиқотлари” уч ойлик журнали. – Техрон. 1373/1994 й. кузи, №6. – Б. 27–52.

²⁶ Самона Ҳажорпур Халаж. Нақшбандиянинг пайдо бўлган пайтидан то Темурийлар ҳукмронлигигача бўлган даврдаги тараққиётлари ва таназуллари. 2014 йил 6 июнь. (форс тилида) // <http://rasekhoon.net/article/show/904502>.

²⁷ Ялдо Озрамий, Нажаф Жавкор. Ҳижрий XII–XIII асрларда Мовароуннахрдаги нақшбандия сўфийлик дарахтининг йўқолган шохини излаб (форс тилида) // “Форсий адабиёт” журнали. №2 (119). 1396/2017 йилнинг кузи ва киши. – Б. 117–130.

²⁸ Акбар Рошидийниё. Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг тариқат силсиласи ва нақшбандия тариқати (форс тилида) // “Гавҳари гўё” ирфоний адабиёт тадқиқотлари журнали. 1397/2018 йил баҳори. №1(36). – Б. 73–88.

²⁹ Марзия Роғибиён, Муҳаммадризо Муваҳҳидий. Абдуллоҳиқ Гиждувонийнинг ирфоний қарашлари (хожагон тариқати асосчиси васиятномасининг матншунослик тадқиқи ва таҳлили) (форс тилида) // “Адабиёт тарихи” олти ойлик журнали. Техрон шаҳридаги Шаҳид Беҳиштий университети Адабиёт ва гуманитар фанлар факультети журнали. Ўн биринчи йил. – Техрон, 1397/2018 йил (қуз-қиш), №2. – Б. 55–76.

³⁰ Акимушкин О. *ал-Гидждувани* // Ислам. Энциклопедический словарь. – Москва: “Наука”, 1991. – С. 54; Акимушкин О. *Зикр* // Ислам. Энциклопедический словарь. – С. 77; Акимушкин О. *ал-Маламатийа* // Ислам. Энциклопедический словарь. – С. 156; Акимушкин О. *Накибанд* // Ислам. Энциклопедический словарь. – С. 186; Акимушкин О. *Накибандийа* // Ислам. Энциклопедический словарь. – С. 187–188.

хожагон-нақшбандия ва яссавия таълимотлари ўртасидаги боғлиқлик³¹, эронлик тадқиқотчи Акбар Рошидийниё эса Хожа Юсуф Ҳамадоний (1048–1140) ғояларининг хожагон-нақшбандия таълимотининг шаклланишидаги ролини³² тадқиқ қилишга илк уринишларни амалга оширишади. Эронлик бошқа бир тадқиқотчи Марям Ҳусайний хожагон-нақшбандия тариқати вакиллари асарларида ушбу тариқат 11 рашҳасининг шаклланиши жараёнини кузатишга уриниб, ушбу рашҳаларни ифодаловчи сўзлардан тўрттасининг хожагон-нақшбандиядан олдинги икки манбада учрашини қайд этади³³.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хожагон-нақшбандия таълимотининг келиб чиқиш илдизлари ва шаклланиш жараёнлари шу пайтга қадар Ўзбекистонда ҳам, хорижда ҳам яхши ўрганилмаган, мазкур тариқат манбаларининг ушбу таълимотнинг шаклланишидаги ўрни эса комплекс ва тизимли тадқиқот объектига айлантирилмаган. Шунга қарамасдан хорижлик ва ўзбекистонлик айрим тадқиқотчиларнинг бу борада ташлаган илк қадамларини кузатиш мумкин.

Хорижда амалга оширилган тадқиқотлар орасида хожагон-нақшбандия таълимотидаги асосий концепциялар, ғоялар ва қоидалар, жумладан ушбу тариқатнинг 11 рашҳасининг келиб чиқиш ва шаклланиш илдизлари тўғрисида биринчилардан бўлиб рус шарқшуноси О.Акимушкин сўз юритади. У ўз тадқиқотларида хожагон-нақшбандия таълимотининг маломатия ва қаландария сўфийлик оқимлари ҳамда яссавия тариқати ғоялари таъсирида шаклланганлигини эслатади³⁴. Жумладан, унинг хулосаларига кўра, хожагон-нақшбандия тариқатидаги зикр тушириш маросими, шунингдек, *хилват дар анжуман* рашҳаси маломатия сўфийлик оқимидан олинган³⁵. Аммо ушбу тадқиқотчи нафақат хожагон-нақшбандия таълимотидаги ушбу икки муҳим унсурнинг маломатия таълимотидаги айнан қайси концепциялар, ғоялар ва қоидалар асосида шаклланганига тўхталиб ўтирмайди, балки хожагон-нақшбандия таълимотидаги ушбу ва бошқа концепциялар ва ғояларнинг у ёки бу кўринишда маломатиядан бошқа сўфийлик таълимотларида ҳам учрашига эътибор қаратмайди. Хожагон-нақшбандия ва яссавия таълимотлари ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ қилган америкалик тасаввуфшунос Девин

³¹ Девин ДиУис. *Маша'их-и турк и Хваджаган: переосмысление связей между суфийскими традициями Йасавийа и Накибандийа* [Перевод с английского языка: Е. Березиной] // Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования): Сб. ст. памяти Фрица Майера (1912–1998) / Сост. и отв. редактор А. А. Хисматуллин. – СПб.: Филологический факультет СПбГУ, 2001. – С. 211–243; Девин ДиУис. *Истоки Хваджаган и критика суфизма: риторика по поводу общинной уникальности в Манакиб хваджи 'Али 'Азизана Рамитани* // Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования). – СПб.: Филологический факультет СПбГУ, 2001. – С. 244–274.

³² Акбар Рошидийниё. Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг тариқат силсиласи ва нақшбандия тариқати (форс тилида) // “Гавҳари гўё” ирфоний адабиёт тадқиқотлари журнали. 1397/2018 йил баҳори. №1(36). – Б. 73–88.

³³ Марям Ҳусайний. Нақшбандия тариқати намояндаларининг “Рашаҳот айн ал-ҳаёт”гача бўлган асарларида ушбу тариқат ўн бир рашҳасининг шаклланиши жараёни (форс тилида) // “Гавҳари гўё” ирфоний адабиёт тадқиқотлари журнали. 14000/2021 йил баҳори ва ёзи. №1(46). – Б. 155–174.

³⁴ Акимушкин О. *ал-Гидждувани* // Ислам. Энциклопедический словарь. – Москва: “Наука”, 1991. – С. 54; Акимушкин О. *Зикр* // Ислам. Энциклопедический словарь. – С. 77; Акимушкин О. *ал-Маламатийа* // Ислам. Энциклопедический словарь. – С. 156; Акимушкин О. *Накибанд* // Ислам. Энциклопедический словарь. – С. 186; Акимушкин О. *Накибандийа* // Ислам. Энциклопедический словарь. – С. 187–188.

³⁵ Акимушкин О. *ал-Маламатийа* // Ислам. Энциклопедический словарь. – С. 156.

ДиУис³⁶, шунингдек, хожагон-нақшбандия таълимоти илдизларини Хожа Юсуф Ҳамадоний (1048–1140) ва унинг иродат силсиласидаги пирлари ғояларидан излаган эронлик тадқиқотчи Акбар Рошидийниё³⁷ ҳам хожагон-нақшбандия таълимотидаги асосий концепциялар, ғоялар ва қоидаларни акс эттирувчи тушунчаларнинг келиб чиқиш илдизларига эътибор беришмаган.

Хожагон-нақшбандия тариқатининг эронлик тадқиқотчиси Марям Ҳусайнийнинг Техронда нашр этиладиган “Гавҳари гўё” ирфоний адабиёт тадқиқотлари журналида эълон қилинган “Нақшбандия тариқати намояндаларининг “Рашаҳот айн ал-ҳаёт”гача бўлган асарларида ушбу тариқат 11 рашҳасининг шаклланиши жараёни” мақоласини³⁸ бу йўлда ташланган илк муҳим қадамлардан бири деб билиш мумкин. Мақола муаллифи нафақат хожагон-нақшбандия тариқати пирлари ва бошқа вакиллари асарларида ушбу тариқат 11 рашҳасининг эслатилиши ва таърифланишига тўхталади, балки мазкур рашҳалардан айримларини англлатувчи сўзлар ушбу тариқат вужудга келмасидан анча илгари Марказий Осиё тасаввуфи вакиллари асарларида келтирилганлигини эслатади. Жумладан, унинг аниқлашича, *нигоҳдошт* ва *ёддошт* сўзлари илк бор Ҳаким Термизий асарларида эслатилган, Мустамлий Бухорий эса ўз асарида *ёдқард* ва *ёддошт* сўзларидан зикрнинг вақтинчалик ва узлуксиз турларини ифодалашда фойдаланган. Бироқ Марям Ҳусайнийнинг хожагон-нақшбандия тариқатидаги 11 рашҳанинг ушбу тариқатгача бўлган манбалардаги илдизлари тўғрисидаги мулоҳазалари шу билан тугайди. Чунки, кўринишидан, Марям Ҳусайний хожагон-нақшбандия рашҳаларининг шаклланиш илдизларини ушбу тариқатгача бўлган сўфийлик мактаблари таълимотлари ва манбаларидан қидиришни эмас, балки ушбу рашҳаларнинг мазкур тариқат намояндалари асарларида қай даражада акс эттирилганлигини ўз олдига мақсад қилиб қўйган кўринади. Бунинг устига ушбу эронлик тадқиқотчи нафақат Мустамлий Бухорийнинг “Шарҳ ат-Таъарруф” асарида (XI аср) *ёдқард* ва *ёддошт* тушунчаларининг сўфийликнинг аниқ шартлари ва қоидаларидан бирига айлантирилганини, балки хожагон-нақшбандия рашҳаларидан яна бир нечтасининг илк илдизлари айнан ана шу асарда кузатилишини, бошқача қилиб айтганда, рашҳалардан бир нечтаси ана шу манбада таърифланган тушунчалар асосида шакллантирилганлигини очиқ беролмаган.

³⁶ Девин ДиУис. *Маша'их-и турк и Хваджаган: переосмысление связей между суфийскими традициями Йасавийа и Накшбандийа* [Перевод с английского языка: Е. Березиной] // Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования): Сб. ст. памяти Фрица Майера (1912–1998) / Сост. и отв. редактор А. А. Хисматуллин. – СПб.: Филологический факультет СПбГУ, 2001. С. 211–243; Девин ДиУис. *Истоки Хваджаган и критика суфизма: риторика по поводу общинной уникальности в Манакиб хваджи 'Али 'Азизана Рамитани* // [отредактированный перевод с английского языка: Вл. Ленца] // Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования): Сб. ст. памяти Фрица Майера (1912–1998) / Сост. и отв. редактор А. А. Хисматуллин. – СПб.: Филологический факультет СПбГУ, 2001. С. 244–274.

³⁷ Акбар Рошидийниё. Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг тариқат силсиласи ва нақшбандия тариқати (форс тилида) // “Гавҳари гўё” ирфоний адабиёт тадқиқотлари журнали. 1397/2018 йил баҳори. №1(36). Б. 73–88.

³⁸ Марям Ҳусайний. Нақшбандия тариқати намояндаларининг “Рашаҳот айн ал-ҳаёт”гача бўлган асарларида ушбу тариқат ўн бир рашҳасининг шаклланиши жараёни (форс тилида) // “Гавҳари гўё” ирфоний адабиёт тадқиқотлари журнали. 14000/2021 йил баҳори ва ёзи. №1(46). Б. 155–174.

Ўзбекистонлик олимлардан О.Усмон³⁹, М.Ҳасаний⁴⁰, С.Сайфуллоҳ⁴¹ ва Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфлар⁴² ўз тадқиқотларида хожагон-нақшбандия таълимоти асослари, жумладан ўн бир рашҳа тўғрисида турли даражадаги маълумотлар ва таҳлилларни келтиришган. Жумладан, С. Сайфуллоҳнинг “Хожагон-Нақшбандия тариқати (асослар ва рашҳалар)” асари тўлалигича хожагон-нақшбандия таълимоти асослари тадқиқига бағишлаган бўлиб, китобнинг 8–145 бетларида хожагон-нақшбандия таълимоти асосларининг, 146–173 бетларида эса 11 рашҳанинг Қуръони карим оятлари ва ҳадисларга, шунингдек хожагон-нақшбандия тариқати пирлари сўзларига асосланган батафсил тавсифи ва изоҳи келтирилади. Бироқ мазкур тадқиқотларда хожагон-нақшбандия таълимоти асослари, жумладан рашҳаларининг келиб чиқиш илдизлари ва шаклланиш манбалари тадқиқ қилинмаган.

Ўзбек тасаввуфшунослигида хожагон-нақшбандия таълимотининг вужудга келишида унеча яратилган манбаларнинг ўрнини тадқиқ қилишга бўлган илк уринишлар сифатида Г.Наврўзова⁴³, З.Исҳоқова ва И.Усмонов каби ўзбек олимларининг тадқиқотларини эслатиш мумкин. Жумладан, З.Исҳоқованинг “Ҳаким ат-Термизий ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанд”⁴⁴ ва И.Усмоновнинг “Ҳаким Термизий ва нақшбандийлик тариқати”⁴⁵ номли мақолаларида Ҳаким Термизий таълимоти билан хожагон-нақшбандия таълимоти ўртасидаги боғлиқ жиҳатлар, жумладан Термизийнинг валоят концепциясининг хожагон-нақшбандия таълимотида акс этиши илмий жиҳатдан тадқиқ қилинган. Бироқ мақола доирасидаги ушбу тадқиқотларда, биринчидан, хожагон-нақшбандия таълимоти асосларининг фақатгина Ҳаким Термизий таълимотидаги илдизлари ўрганилган, иккинчидан, хожагон-нақшбандия 11 рашҳасидан иккитасини англатувчи *нигоҳдошт* ва *ёддошт* сўзлари илк бор Ҳаким Термизий асарларида эслатилганлигига эътибор берилмаган.

³⁹Усман А. Крупнейшие суфийские братства Центральной Азии. – Самарканд: “Саратон-Хамар”, 1999. – С. 11–14; О.Усмон. Бухорои шарифнинг етти пири. – Тошкент: ТошДШИ нашриёти, 2003. – Б. 21–28.

⁴⁰ Хожаи Жаҳон – Хожа Абдуллоҳиқ Гиждувоний / Нашрга тайёрловчи таржимон ва изоҳлар муаллифлари: Маҳмудхон Маҳдум Ҳасанхон Маҳдум ўғли, Гулбаҳор Музаффар кизи. – Тошкент: “Наврўз”, 1994. – Б. 5–12; Ҳасаний М., Қиличева К. Гиждувоний илм аҳллари хотирасида. – Тошкент: “Фан”, 2003. – Б. 20–22; Ҳасаний М., Раззоқова М. Хожагон тариқати ва Хожа Ҳасан Андоқий. – Тошкент, 2003; Ҳасаний М., Раззоқова М. Хожа Аҳрорга бағишланган рисола ва мақолалар. – Тошкент, 2004. – 26 б.; Ҳасаний М., Қиличева К. Шайх Хованди Тахур. – Тошкент: Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази, 2004. – 74 б.

⁴¹ С.Сайфуллоҳ. Буюклар ҳалқаси: (олтин силсила валийлари). – Тошкент: “Noshirlik yog`dusi”, 2011; Ўша муаллиф. Етти пир: Дунё муршидлари. – Тошкент: “O`zbekiston”, 2019; Ўша муаллиф. Тасаввуф ва нақшбандийлик (манбалар ва ҳикматлар). – Тошкент: “O`zbekiston”, 2019; Ўша муаллиф. Хожагон-Нақшбандия тариқати: асослар ва рашҳалар. – Тошкент: “O`zbekiston”, 2020.

⁴² Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Нақшбандия тариқати. – Т.: “Nilol-Nashr”, 2014; Ўша муаллиф. Нақшбандия: Вазифалар, зикрлар. – Т.: “Nilol-Nashr”, 2018.

⁴³ Наврўзова Г. Н., Раҳматова Х. Х. Нақшбандия тушунчалари генезиси. – Бухоро: “Бухоро”, 2010.

⁴⁴ Исҳоқова З. *Ҳаким ат-Термизий ва Хожа Баҳоуддин Нақибанд* // // Нақшбандия таълимоти ва миллий маънавиятимиз. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 690 йиллигига бағишланган республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Бухоро, 2008. Б. 85–90.

⁴⁵ Усмонов И. *Ҳаким Термизий ва нақшбандийлик тариқати* // Илмий-таҳлилий ахборот: Тошкент ислом университетининг илмий-таҳлилий ахбороти. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – №4. – Б. 31–33.

Ўзбек тасаввуфшунос олимаси Г. Наврўзова “Нақшбандия тушунчалари генезиси” номли тадқиқотида хожагон-нақшбандия таълимотининг асосий тушунчаларини ушбу тариқатгача бўлган сўфийлик таълимотларидаги тушунчалар билан солиштириш асносида, нурия ва маломатия сўфийлик оқимлари ғояларида *хилват дар анжуман* рашҳасининг⁴⁶, муҳосибия сўфийлик оқими таълимотида эса *вуқуфи замоний* рашҳасининг⁴⁷ илдизларини топишга муваффақ бўлади. Бироқ ушбу олима мазкур китобида, биринчидан, хожагон-нақшбандия таълимотининг асосий тушунчаларини фақатгина XI аср муаллифи Хужвирий таснифидаги *муҳосибия, қассория, тайфурия, жунайдия, нурия, саҳлия, ҳакимия, харрозия, хафифия* ва *сайёрия* сўфийлик оқимлари таълимотларидаги тушунчалар билан таққослаштирган, иккинчидан, хожагон-нақшбандия таълимоти асосий тушунчаларидан бошқалари, жумладан бошқа рашҳалар илдизларини бошқа сўфийлар ва сўфийлик мактаблари таълимотларидан излаб кўрмаган.

Шунга қарамасдан, номлари эслатиб ўтилган ўзбекистонлик ва хорижлик тадқиқотчиларнинг хожагон-нақшбандия таълимотининг келиб чиқиш илдизлари ва шаклланиш жараёнлари тадқиқи борасида амалга оширган ушбу илк уринишлари мазкур муаммонинг келгусида кенгроқ ва чуқурроқ ўрганилиши учун замин яратилишига хизмат қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Шарқшунослик институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФА-Ф8-022 “Марказий Осиё халқлари ёзма меросини ўрганиш: манбашунослик ва матншунослик тадқиқотлари” ҳамда “Марказий Осиё тарихига оид манбалар нашри (ЎЗР ФА ШИ фонди ёзма манбалари асосида)” мавзусидаги фундаментал ва амалий лойиҳаси доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади. Хожагон-нақшбандия таълимотининг вужудга келиш шарт-шароитлари, келиб чиқиш илдизлари ва шаклланиш манбаларини комплекс ва тизимли тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг вазифалари.

VIII–XI асрларда ислом дунёсининг йирик маданий марказларида, хусусан Марказий Осиёда вужудга келган ва ёйилган сўфийлик мактаблари ва таълимотларининг XII асрдан бошлаб турли ўлкаларда вужудга кела бошлаган тасаввуф тариқатлари, жумладан хожагон-нақшбандия тариқатининг шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилганлигини далиллаш;

Хожагон-нақшбандия тариқатининг иродат силсилалари, вужудга келиш ва ёйилиш тарихини ёритиш, ушбу тариқат таълимоти асосларини аниқлаш;

IX–XI асрлар сўфийлик манбалари – Марказий Осиё, Хуросон ва Ироқ тасаввуф мактаблари вакиллари асарлари ва таълимотларининг хожагон-

⁴⁶ Наврўзова Г. Н., Раҳматова Х. Х. Нақшбандия тушунчалари генезиси. – Бухоро: “Бухоро”, 2010. – Б. 49, 76-77.

⁴⁷ Наврўзова Г. Н., Раҳматова Х. Х. Нақшбандия тушунчалари генезиси. – Бухоро: “Бухоро”, 2010. – Б. 37.

нақшбандия таълимотидаги асосий концепцияларнинг ҳамда ушбу таълимот рашхаларининг шаклланишидаги роли ва ўрнини кўрсатиб бериш;

ХII–ХV асрларда хожагон-нақшбандия тариқати асосчилари томонидан ёзилган асарларнинг хожагон-нақшбандия таълимоти асосларининг шаклланиши ва такомиллашишидаги ўрнини аниқлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти: Хожагон-нақшбандия таълимоти тарихи.

Тадқиқотнинг предмети. Хожагон-нақшбандия таълимотининг вужудга келиш шарт-шароитлари, келиб чиқиш илдизлари, вужудга келиши ва шаклланиши тарихи.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, тизимлаштириш, киёсий таҳлил, хронологик тизимли таҳлил, комплекс ёндашиш каби тадқиқот усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Биринчи марта VIII–XI асрларда ислом дунёсида тасаввуфнинг вужудга келиши ва тарқалишининг шарт-шароитлари, жумладан, диний, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва ғоявий-ақидавий сабаблари, тасаввуф тарихининг зоҳидлик (VIII–IX асрлар), сўфийлик мактаблари ва оқимлари (IX–XI асрлар) ва сўфийлик тариқатлари (XII асрдан кейин) даврларига бўлиниши, VIII–IX асрларда Мадина, Басра, Кўфа, Хуросон ва Марказий Осиё зоҳидлик мактаблари, IX–XI асрларда Нишопур, Миср, Дамашқ, Бағдод ва Марказий Осиё сўфийлик мактаблари фаолият кўрсатганлиги манбалар ва тадқиқотлар таҳлили асосида ёритилди;

Ислом цивилизациясининг бошқа йирик марказлари қаторида Марказий Осиёнинг ҳам тасаввуф бешикларидан бири бўлганлиги, жумладан, бу ўлкада ҳам VIII асрдан бошлаб тасаввуф вужудга келганлиги, VIII–IX асрларда тасаввуфнинг зоҳидлик даври, IX–XI асрларда эса сўфийлик мактаблари ва оқимлари даври кечганлиги тарихий манбалар ва маълумотлар асосида ёритилиб, Марказий Осиё зоҳидлик мактабининг (VIII–IX асрлар) асосий тармоқлари, вакиллари ва ғоялари, шунингдек, Марказий Осиё сўфийлик мактабининг (IX–XI асрлар) асосий оқимлари, муҳитлари, вакиллари ва ғоялари кўрсатиб берилди;

Марказий Осиё тасаввуфи тарихининг VIII–XI асрларда – сўфийлик тариқатларига қадар кечган даврининг XII асрда хожагон-нақшбандия тариқатининг вужудга келиши учун замин бўлиб хизмат қилганлиги далилланди;

Хожагон-нақшбандия тариқати биринчи навбатда XII асргача бўлган Марказий Осиё сўфийлик анъаналарининг давомчиси бўлганлиги, шунинг билан биргаликда муайян даражада ўзигача мавжуд бўлган бошқа, жумладан, Хуросон ва Ироқ сўфийлик мактаблари тажрибаларини ўзлаштирганлиги кўрсатиб берилди;

Хожагон-нақшбандия таълимотининг вужудга келишида унгача ёзилган сўфийлик манбалари муҳим роль ўйнаганлиги, жумладан, IX–XI асрлар сўфийлик манбалари – Марказий Осиё, Хуросон ва Ироқ тасаввуф мактаблари вакиллари асарлари ва таълимотларининг хожагон-нақшбандия

таълимотидаги асосий концепцияларнинг ҳамда ушбу таълимот рашхаларининг шаклланишидаги роли ва ўрни очиб берилди;

XII–XV асрларда хожагон-нақшбандия таълимоти асосларининг шаклланиши ва такомиллашиши жараёни мазкур тариқатнинг ушбу даврда яратилган назарий манбалари – мазкур тариқат асосчилари ва бошқа вакиллари томонидан ёзилган асарлар асосида кўрсатиб берилди, шу тариқа хожагон-нақшбандия тариқати манбаларининг мазкур таълимотнинг шаклланиши ва такомиллашишидаги ўрнини аниқлаштирилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хожагон-нақшбандия тариқати асосчиси ва биринчи пири Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийнинг “Васиятнома” асарининг жаҳоннинг турли мамлакатларида сақланаётган 44 та, жумладан Ўзбекистонда сақланаётган 22 та ҳамда Эрон, Покистон, Туркия ва Миср қўлёзмалар хазиналарида сақланаётган яна 22 та қўлёзма нусхаси мавжудлиги аниқланиб, уларнинг қисқача тавсифи яратилди, бу тўғрида ягона маълумотлар базаси шакллантирилди ва илмий муомалага киритилди, асарнинг ўзи ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди;

Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийнинг “Рисолайи соҳибия” асарининг жаҳоннинг турли мамлакатларида сақланаётган 9 та, жумладан Ўзбекистонда сақланаётган 5 та ҳамда Эрон ва Туркияда сақланаётган 4 та қўлёзма нусхаси мавжудлиги аниқланиб, уларнинг қисқача тавсифи яратилди, бу тўғрида ягона маълумотлар базаси шакллантирилди ва илмий муомалага киритилди, асарнинг ўзи ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди;

хожагон-нақшбандия тариқатининг иккинчи пири Хожа Муҳаммад Ориф Ревгарий қаламига мансуб “Орифнома” асарининг Покистон ва Грузия қўлёзмалар хазиналарида сақланаётган 3 та қўлёзма нусхаси мавжудлиги аниқланиб, уларнинг қисқача тавсифи яратилди, бу тўғрида ягона маълумотлар базаси шакллантирилди ва илмий муомалага киритилди, асарнинг ўзи ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди;

хожагон-нақшбандия тариқатининг тўртинчи пири Хожа Али Ромитаний қаламига мансуб “Рисолайи Ҳазрати Азизон” асарининг бизнинг давримизгача етиб келган ва Ҳиндистонда сақланаётган ягона қўлёзма нусхаси, шунингдек Ҳиндистон ва Ўрта Осиёда нашр этилган тўққизта тошбосма нусхаси тўғрисида маълумот тўпланиб, уларнинг қисқача тавсифи яратилди, бу тўғрида ягона маълумотлар базаси шакллантирилди ва илмий муомалага киритилди, асарнинг ўзи ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотнинг бевосита хожагон-нақшбандия тариқатининг назарий манбалари – ушбу тариқат асосчилари, раҳбарлари ва вакиллари томонидан яратилган доктринал манбалар Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийнинг (тахм. 1103–1179) “Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний”, “Одоби тариқат” ва “Аз гуфтори Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний”, Хожа Ориф Ревгарийнинг (тахм. 1165–1262) “Орифнома”, Хожа Али Ромитанийнинг (тахм. 1195–1321) “Рисолайи Ҳазрати Азизон”, Саййид Амир Кулол (тахм. 1281–1370) тўғрисидаги “Мақомоти Амир Кулол”,

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (1318–1389) қарашларига бағишланган “Рисолайи кудсия” ва “Анис ат-толибин” асарлари, шунингдек, хожагон-нақшбандия таълимотидаги асосий концепцияларнинг ҳамда ушбу таълимот рашҳаларининг шаклланишида муҳим ўрин тутган манбалар – Ҳаким Термизийнинг (820–932) “Хатм ул-авлиё”, “Наводир ал-усул фи аҳодис ар-расул”, “Адаб ун-нафс”, “Сарахс аҳлининг саволларига жавоблар” ва “Райдан юборилган хатларга жавоб”, Мустамлий Бухорийнинг (ваф. 1043) “Шарҳ ат-Таъарруф”, Али Хужвирийнинг (ваф. 1073) “Кашф ул-махжуб ли-арбоб ал-қулуб”, ва Абу Ҳомид Ғаззолийнинг (1058–1111) “Кимёи саодат” асарларига таянган, шунингдек, уларни мўтабар тасаввуф манбалари, жумладан, Абу Наср Саррож Тусийнинг (ваф. 988) “Китоб ал-лумаъ фи-т-тасаввуф”, Абу Бакр Калободий Бухорийнинг (917–995) “Ат-Таъарруф”, Абу Толиб Маккийнинг (ваф. 996) “Қут ал-қулуб”, Абу Абдурахмон ас-Суламийнинг (ваф. 1021) “Табақот ус-суфия” ва Абдуллоҳ Ансорийнинг (1006–1089) “Табақот ус-суфия” асарлари билан қиёслаган ҳолда амалга оширилганлиги, диссертация мавзуси бўйича эълон қилинган илмий ишлар, жумладан, ОАК томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини эълон этиш тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган мақолалар ҳамда халқаро ва республика илмий ва илмий-амалий конференцияларида кенг муҳокама қилинган маърузалар ҳамда тадқиқот натижаларидан келиб чиққан таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти хожагон-нақшбандия таълимотининг вужудга келиши тарихи, жумладан таълимотдаги асосий концепцияларнинг ҳамда ушбу таълимот рашҳаларининг шаклланишини тадқиқ қилишга методологик ёндашувлар ҳамда бу борадаги назарий хулосаларни мукамаллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улардан тасаввуф тарихи ва назариясини, жумладан хожагон-нақшбандия таълимотининг вужудга келиши тарихини тадқиқ этишда, тасаввуфни тадқиқ этишга бағишланган давлат дастурларини ижро этишда, тасаввуфга оид дарсликлари ва қўлланмалари тузишда, тасаввуф атамалари луғатлари ва тасаввуф энциклопедияларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Хожагон-нақшбандия таълимотининг илдизлари ва шаклланиш манбалари (IX–XIV асрлар)” мавзусидаги фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган докторлик диссертацияси натижалари бўйича ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси томонидан 2018 йилнинг феврида Тошкентда бўлиб ўтган “Ипак йўли: чегара билмас ҳамкорлик” иккинчи гидлар халқаро форуми, 2018 йилнинг декабри ва 2019 йилнинг январида Тошкентда ўтказилган Ўзбекистон гидлари малакасини ошириш курсларида мазкур диссертацион тадқиқот натижаларидан фойдаланилди (Туризм соҳасида кадрлар малакасини ошириш

ва қайта тайёрлаш Республика марказининг 2020 йил 16 январдаги №А-04/14-сонли маълумотномаси).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати медиа маркази томонидан 34 дақиқалик «Етти пир зиёрати» номли фильмни тайёрлаш бўйича дастлабки муҳокамаларда диссертант фаол қатнашиб, фильмнинг илмий савиясини ошириш борасида илмий маслаҳатлар берди. Ушбу фильмни тайёрлашда мазкур диссертацион тадқиқот натижаларидан фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати медиа марказининг 2019 йил 18 июндаги №96-сонли маълумотномаси).

Туркия Республикаси Президенти Ражаб Тайиб Эрдуѓаннинг 2022 йил 29-30 март кунлари Ўзбекистонга расмий ташрифи доирасида Хива шаҳрини айланиб кўриши чоѓида олий мартабали меҳмонга ушбу шаҳар тарихи ва тарихий ёдгорликлари тўғрисида маълумот беришда мазкур диссертацион тадқиқот натижаларидан фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2022 йил 13 майдаги №02-18/1673-сонли далолатномаси).

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази низоми, мақсад ва вазифаларини ҳамда ушбу марказнинг тасаввуф ва хаттотлик экспозиция бўлимини шакллантиришда ушбу диссертация ишининг илмий хулосаларидан фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг 2022 йил 16 майдаги №374/22-сонли далолатномаси).

Хожагон-нақшбандия тариқати ва етти пирлар меросига оид жами 73 номдаги қўлёзма ва тошбосма асарлар факсимиле нусхалари, китоб ва рисоаларни, етти пирлар ҳақида 10 та ҳақиқат номли плакатларни нашрга тайёрлашда, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Малака ошириш маркази ва унинг минтақавий филиалларида диний-маърифий соҳа ходимлари учун ташкил этилган малака ошириш курслари ўқув дастурларини ишлаб чиқишда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитада зиёрат туризми бўлимида етти пирлар тарихи билан боғлиқ асарларни режага киритишда ушбу тадқиқот иши натижаларидан фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 18 майдаги №02-06/3891-сонли далолатномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари ҳаммаси бўлиб 30 та, жумладан 18 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган. Булардан 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида илмий маъруза ҳамда 13 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида илмий маъруза тезиси кўринишида тақдим қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича 72 та илмий иш чоп этилган бўлиб, уларнинг 41 таси монография, 31 таси мақоладир. Монографиялардан 32 таси республикада (шулардан 10 таси рус тилида, 3 таси қозоқ ва турк тилларида), 9 таси эса хорижда (Тожикистон, Қозоғистон, Россия, Туркия ва Иордания давлатларида тожик, қозоқ, рус, турк

ва араб тилларида) нашр этилган. Мақолалардан 18 таси Ўзбекистонда ва 13 таси хорижий мамлакатларда нашр этиладиган журналларда чоп этилган, шулардан 28 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан, 16 таси республика ва 12 таси хориж журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг тузилиши кириш, беш боб, асосий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли белгилар ва қисқартмалар рўйхати, иловалар ҳамда диссертация матнида учрайдиган айрим махсус атамалар ва тушунчалар изоҳидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий ташкилот ёки таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва усуллари белгиланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги маълум қилинган, тадқиқотнинг амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳамда тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси ва эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ислом дунёсида тасаввуфнинг пайдо бўлиши ва ёйилиши (VIII–XI асрлар)”** деб номланган биринчи боби уч фаслдан иборат бўлиб, унда VIII–XI асрларда ислом дунёсида тасаввуфнинг вужудга келиши ва ёйилишининг шарт-шароитлари, омиллари ва сабаблари, зоҳидлик ва сўфийлик мактабларининг шаклланиши ва фаолият кўрсатиши тадқиқ қилинган.

Жумладан, ушбу бобнинг **“Тасаввуфнинг пайдо бўлиши (VIII аср)”** деб номланган биринчи фаслида тасаввуфнинг диний, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва ғоявий-ақидавий сабабларга кўра вужудга келганлиги⁴⁸, илк сўфийларнинг муҳаддислар, қиссагўйлар, қорилар, ғозийлар, тақводор савдогарлар ва ҳунармандлар каби ижтимоий қатламлар вакилларида ташкил

⁴⁸ Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература. 16; Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм. – С. 13–16; Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Б. 37–63; Степанянец М. Т. Философские аспекты суфизма. – С. 5; Биринджар Р. Знакомство с исламскими науками: калам, фалсафа, ирфан. – С. 207-208; Комилов Н. Тасаввуф. – Б. 9; Корбен А. История исламской философии. – С. 186; Макдисий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад. Аҳсан ат-тақосим фи маърифат ал-ақолим (форс тилида). Араб тилидан Мунзавий таржимаси. 2 жилдлик. 1-жилд. Техрон, 1982. – Б. 252, 257, 289; Ўша асар. 2-жилд. – Б. 474, 540; Тримингэм Дж. С. Суфийские ордены в исламе.

топганлиги⁴⁹, “сўфий” сўзининг этимологияси борасида турли муаллифлар томонидан турлича тахминлар билдирилган бўлса-да, кўпчилик тадқиқотчилар “сўфий” сўзининг арабча *суф* (жун) сўзидан ясалганлиги ва “жун кийим кийган киши” маъносини беришини энг тўғри вариант деб ҳисоблашлари аниқланди⁵⁰. Ушбу фаслда тасаввуф тарихини сўфийлик ҳаракати шакллари нуқтаи назаридан *зуҳд (зоҳидлик) даври* (VIII–IX асрлар), *сўфийлик мактаблари ва оқимлари даври* (IX–XI асрлар) ҳамда *сўфийлик тариқатлари даври* (XII асрдан кейин) деб номланувчи уч даврга бўлиш мумкинлиги тўғрисида хулосага келинади.

Биринчи бобнинг **“Тасаввуфда зоҳидлик даври (VIII–IX асрлар)”** деб номланган иккинчи фаслида VIII–IX асрларда ислом дунёсининг йирик марказларида кечган зоҳидлик ҳаракати – ислом тасаввуфининг илк даври тўғрисида сўз боради. Диссертацион тадқиқот жараёнида аниқланишича, бу даврда ҳар бири ўз ғоялари ва концепцияларига эга бўлган Мадина, Басра, Кўфа, Хуросон ва Марказий Осиё зоҳидлик мактаблари мавжуд бўлган⁵¹.

Биринчи бобнинг **“Тасаввуфда сўфийлик мактаблари ва оқимлари даври (IX–XI асрлар)”** деб номланган учинчи фасли тасаввуф тарихининг иккинчи даври – IX–XI асрларда кечган сўфийлик мактаблари ва оқимлари даври тадқиқига бағишланади. Ушбу фаслда кўрсатиб берилишича, бу даврда турли ислом ўлкаларида Нишопур, Миср, Дамашқ, Бағдод ва Марказий Осиё сўфийлик мактаблари фаолият кўрсатган⁵². Шунингдек, эслатиб ўтилган сўфийлик мактаблари доирасида ўн иккита, жумладан, ўнта маъқул сўфийлик оқими – *муҳосибия, қассория, тайфурия, жунайдия, нурия, саҳлия, ҳакимия, харрозия, хафифия* ва *сайёрия* ва иккита номаъқул сўфийлик оқим – *ҳулулия* ва *ҳалложия* фаолият кўрсатган⁵³. Мазкур сўфийлик оқимларидан иккитаси – *ҳакимия* ва *сайёрия* Марказий Осиё замида ушбу минтақа вакиллари томонидан асос солинган. Ушбу сўфийлик оқимлари тасаввуфнинг турли ўлкаларга тарқалиши ҳамда у ерларда сўфийлик ташкилотининг мукамаллашганроқ шакли – тасаввуф тариқатларининг вужудга келиши учун замин бўлиб хизмат қилган.

Диссертациянинг уч фаслдан иборат **“VIII–XI асрлар Марказий Осиё тасаввуфи хожагон-нақшбандия таълимотининг вужудга келиши учун замин сифатида”** деб номланувчи иккинчи боби бевосита Марказий Осиё

⁴⁹ Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература. С. 16; Йылмаз Х. К. Тасаввуф и тарикаты. – С. 17; Комилов Н. Тасаввуф. – Б. 9; Кныш А. Д. *ат-Тасаввуф* // Ислам. Энциклопедический словарь. – М.: “Наука”, 1991. – С. 225.

⁵⁰ Бартольд В. В. Сочинения. Том 6. Работы по истории ислама и арабского халифата. – С. 114; Тримингэм Дж. С. Суфийские ордены в исламе. – С. 25; Кныш А. Д. *ат-Тасаввуф* // Ислам. Энциклопедический словарь. – С. 225; Сажжодий С. Ирфоний атамалар ва иборалар луғати. – Б. 542; Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – С. 20; Комилов Н. Тасаввуф. – Б. 11; Хисматулин А. Суфизм. – С. 15; Йылмаз Х. К. Тасаввуф и тарикаты. – С. 20; Титус Букхардт. Введение в доктрину суфизма. / Пер. с англ. Локман Н. П. – Таганрог: Ирби, 2009. – С. 121.

⁵¹ Йылмаз Х. К. Тасаввуф и тарикаты. – С. 80–86; Рисолайи Кушайрия. – Б. 27; Ансорий. Табақот ас-суфия. – Б. 29; Абдуррахмон ас-Суламий. Табақот ас-суфия. – Қоҳира: “Дор аш-шуаб”, 1998. – Б. 11.

⁵² Йылмаз Х. К. Тасаввуф и тарикаты. – С. 88–95; Суламий. Табақот ас-суфия. – Б. 70–72, 101–102; Шарх ат-Таъарруф. 1-р. – Б. 236, 237; Ўша асар. 2-р. – Б. 807; Ўша асар. 3-р. – Б. 968, 969, 972; Ўша асар. 4-р. – Б. 1655, 1687, 1688; Рисолайи Кушайрия. – Б. 61–68; Кашф ал-махжуб. – Б. 177–180, 194–195; Ансорий. Табақот ас-суфия. – Б. 62, 261–263.

⁵³ Кашф ал-махжуб. – Б. 218–341.

тасаввуфининг пайдо бўлишдан то тариқатларгача бўлган – VIII–XI асрларда кечган даврини ёритишга бағишланади. Диссертант мавзу бўйича манбалар ва тадқиқотларнинг кенг базаси таҳлили асосида ўлкамиз тасаввуфи тарихининг ўта кам ўрганилган ушбу даврини тадқиқ қилиб, Марказий Осиёда тасаввуфнинг вужудга келиш шарт-шароитларини аниқлайди, ўлкамизда VIII–IX асрларда Марказий Осиё зоҳидлик мактаби, IX–XI асрларда эса Марказий Осиё сўфийлик мактаби шаклланиб, фаолият кўрсатганлигини очиб беради.

Ушбу бобнинг **“Марказий Осиёда тасаввуфнинг вужудга келиш шарт-шароитлари”** деб номланувчи биринчи фаслида Марказий Осиёда ҳукмрон мазҳаб мақомини эгаллаган суннийлик-ҳанафийлик бу ўлкада сўфиёна қарашлар ва турмуш тарзининг шаклланишида ўрин тутган муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилганлиги⁵⁴, шунингдек, Мовароуннаҳр диёрида турли конфессиялар ва ақидавий оқимларнинг фаолият кўрсатганлиги ҳам бу ўлкадаги зоҳидлик ҳаракати ва қарашларининг шаклланиши ва такомиллашишида маълум ўрин тутганлиги⁵⁵ очиб берилган.

Иккинчи бобнинг **“Марказий Осиёда зуҳд даври (VIII–IX асрлар)”** деб номланувчи иккинчи фасли Марказий Осиё тасаввуфининг илк босқичи – зоҳидлик даври тадқиқига бағишланган. Тадқиқот жараёнида аниқланишича, VIII–IX асрларда мавжуд бўлган Марказий Осиё зоҳидлик мактаби камида Марв, Бухоро, Қашқадарё ва Самарқанд тармоқларига эга бўлган. Ушбу мактабнинг Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий (736–797), Фузайл ибн Иёз (725–802), Хушном Шаъроний (VIII а.), Исо ибн Мусо Ғунжор (ваф.801), Ҳошид ибн Абдуллоҳ Бухорий (ваф.860), Абу Туроб Нахшабий (ваф.834), Яҳё ибн Муҳаммад Варағсарий (ваф.846), Абдуллоҳ ибн Абдурахмон Доримий (798–870) ва шу каби бошқа кўплаб вакиллари фаолиятида зуҳд ва *вараъ* ғоялари энг асосий ўрин тутиши билан биргаликда, *тавба*, *таваккул*, *ризо*, *хавф*, *ҳузн*, *ихлос*, *риёзат* ва *маърифат* ғоялари, шунингдек, бошқа зоҳидлик ва сўфийлик мактабларида кам учрайдиган *таъзим*, *сидқ* ва *саҳо* ғоялари тарғиб қилинган. Марказий Осиё зоҳидлик мактабида бошқа, жумладан, Хуросон ва Басра зоҳидлик мактабларидан фарқли равишда *зоҳирий зуҳд* (жисмоний зуҳд) – жамиятдан бутунлай узилиб, ашаддий таркидунёчиликка берилишдан кўра *ботиний зуҳд* (кўнгилдаги зуҳд) – одамлар орасида ижтимоий фаол ҳаёт кечира туриб қалбан зоҳидлик қилиш унсурлари кўпроқ учрайди. Марказий Осиё зоҳидлиги илмий-назарий характерга ҳам эга бўлиб, ушбу минтақадаги зоҳидлик ҳаракати асосчилари тасаввуфга бағишланган илк асарларни яратишган⁵⁶.

⁵⁴ Усмонов И. *Мовароуннаҳр тариқатларида ақидавий қарашлар* // Илмий-таҳлилий ахборот. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2017. – №3. – Б. 4; Рудольф У. Ал-Матуриди и суннитская теология в Самарканде. – Алматы: Фонд “XXI век”, 1999. – С. 100; Наршахи. Та’рих-и Бухара. – С. 59;

⁵⁵ Аҳсан ат-тақосим фи маърифат ал-ақолим. 2-ж. Б. 473-474; Маҳбуб Маҳдавиён. Сомонийлар даврида фалсафа ва каломнинг ривожланиши шарт-шароитлари. Б. 26; Худуд ал-олам мин ал-машриқ ила-л-мағриб (форс тилида). Манучеҳр Сутуда томонидан нашрга тайёрланган. Техрон: Тахурий кутубхонаси. 1983. – Б. 107.

⁵⁶ Ал-Ансоб. 2-ж. – Б. 13, 279; Ўша асар. 3-ж. – Б. 24, 248, 433; Ўша асар. 4-ж. – Б. 311, 393; Ўша асар. 5-ж. – Б. 602; Хатиб Бағдодий, Аҳмад ибн Али. Таъриху Бағдод. 10-жилд. – Байрут, 1417/1997. – Б. 153; Суламий.

Иккинчи бобнинг “*Марказий Осиёда сўфийлик мактаблари ва оқимлари даври (IX–XI асрлар)*” деб номланувчи учинчи фаслида Марказий Осиё тасаввуфининг зоҳидлик давридан кейинги иккинчи босқичи – сўфийлик мактаблари ва оқимлари даври тадқиқ этилган. Аниқланишича, IX–XI асрларда мавжуд бўлган Марказий Осиё сўфийлик мактаби доирасида *ҳакимия* ва *сайёрия* сўфийлик оқимлари, *маломатия* сўфийлик оқимининг Марказий Осиё тармоғи, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент сўфийлик муҳитлари фаолият кўрсатган. Ҳаким Термизий (820–932), Абу-л-Қосим Ҳаким Самарқандий (ваф.953), Абу Бакр Воситий (ваф.932), Абу-л-Аббос Сайёрий (876–953), Абу Жаъфар Фарғоний (X а.), Умар Боб Фарғоний (XI а.), Абдулваҳоб Зибадвоний (ваф.925), Аҳмад Жандий Туркий (X а.), Абу Бакр Калободий (917–995), Мустамлий Бухорий (ваф.1043), Муҳаммад Кеший (ваф.931), Аҳмад Макхулий (ваф.943), Аҳмад Тавовисий (ваф.956), Муҳаммад Иштиханий (ваф.999), Наср Суфий Илоқий (ваф.981), Исмоил Наққоз Шоший (ваф.1078) ва шу каби бошқа кўплаб вакиллари бўлган Марказий Осиё сўфийлик мактаби ворисийлик (Марказий Осиё зоҳидлик мактаби ғояларининг давомчиси сифатида), ижтимоий фаол сўфийлик (узлатга чекинмасдан туриб ҳам сайру сулук босқичларини босиб ўтиш мумкинлигини уқтириш кўринишида), илмий-назарий тасаввуф (тасаввуф асосларига бағишланган асарларнинг ёзилиши кўринишида) хусусиятларига эга бўлиб, унда нафақат ўша пайтга қадар тасаввуфда тарқоқ ҳолда мавжуд бўлган тушунчалар бир тизимга солинди, балки янги концепциялар (*валоят* ҳамда *жамъ* ва *тафриқа*) ҳам яратилди. Марказий Осиё сўфийлик мактаби вакиллари тасаввуф тарихида биринчилардан бўлиб тасаввуф таълимотини тизимлаштиришга киришишди. IX асрда Ҳаким Термизий томонидан бошлаб берилган тасаввуф таълимотини тизимлаштириш X аср охирлари – XI аср бошларида Калободий Бухорий ва Мустамлий Бухорийлар томонидан ниҳоясига етказилди. Ушбу муаллифлар ўзларининг “Ат-Таъарруф” ва “Шарҳ ат-Таъарруф” деб номланган асарларида биринчилардан бўлиб XI асрга қадар бўлган тасаввуфнинг мақсади, моҳияти, босқичлари ва асосий тушунчаларини қамраб олувчи тўлиқ манзарасини яратиб беришга муваффақ бўлишди⁵⁷.

Табақот ас-суфия. – Б. 11; Рисолайи Кушайрия. – Б. 27-28; Ансорий. Табақот ас-суфия. – Б. 29; Шарҳ ат-таъарруф. 1-р. – Б. 79, 202, 204; Ўша асар. 2-р. – Б. 514; Кашф ал-махжуб. – Б. 120; Рисолайи Кушайрия. – Б. 27-28; Ансорий. Табақот ас-суфия. – Б. 28-29; Аттор Нишопурий, Фаридиддин. Тазкират ул-авлиё (форс тилида). – Техрон: “Зуввор”, 2003. – Б. 90-91; Ёқут Ҳамавий. Муъжам ал-булдон (араб тилида). 5 жилдлик. 1-жилд. – Байрут: Дору Содир, 1977. – Б. 331; Наршахи. Та’рих-и Бухара. – С. 60.

⁵⁷ Ал-Ҳаким ат-Термизий. Мўминларнинг ибодатдаги даражалари (Манозил ул-ибод мин ал-ибода). – Тошкент: “Monaqounnahr”, 2017. – Б. 7–20; Ал-Ҳаким ат-Термизий. Маърифатул Асрор (Сирлар маърифати). – Тошкент: Monaqounnahr, 2017. – Б. 16; Ал-Ҳаким ат-Термизий. Адаб ан-нафс. – Коҳира: “Дор ал-масрия вал-лубнония”, 1993. – Б. 11–34; Ал-Ҳаким ат-Термизий. Хатм ал-авлиё. – Байрут: “Католикция”, 1965. – Б. 117-118, 136-137, 331, 333-334, 343, 367-368; Кашф ал-махжуб. – Б. 19, 178-179, 199, 302, 323; Суламий. Табақот ас-суфия. – Б. 71, 72, 73, 101; Ансорий. Табақот ас-суфия. – Б. 261, 262, 263, 303, 350, 502-503, 561-562; Ҳилият ал-авлиё. 10-жилд. Б. 236; Тазкират ул-авлиё. Б. 538; Рисолайи Кушайрия. Б. 62, 78-79; Бохарзий, Яхё. Аврод ал-аҳбоб ва фусус ал-одоб. 2-жилд. – Техрон: Техрон университети нашриёти, 2004. Б. 103; Кошоний, Махмуд ибн Али Иззиддин. Мисбоҳ ал-хидоят ва мифтоҳ ал-кифоят. – Техрон: “Хумо”, 1987. – Б. 86; Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Б. 117, 193; Мустамлий Бухорий. Шарҳ ат-Таъарруф. 1-р. Б. 105, 237; Муллозода. Таърихи Муллозода. Б. 28, 38-39, 54, 64; ас-Самъоний. ал-Ансоб. 1-ж. Б. 163, 219, 239, 253, 354, 427; ал-Ансоб. 2-ж. Б. 95, 159, 183, 405; ал-Ансоб. 3-ж. Б. 19, 118, 122, 133-134, 223, 265, 435, 482; ал-Ансоб. 4-ж. Б. 78, 290, 298; ал-Ансоб. 5-ж. Б. 105, 201, 289, 374, 403, 433, 518, 679, 701.

Диссертациянинг “**Хожагон-нақшбандия тариқатининг шаклланиши**” деб номланган учинчи боби тўрт фаслни ўз ичига олган бўлиб, унда хожагон-нақшбандия тариқатининг вужудга келиши ва ёйилиши ҳамда ушбу тариқат таълимоти асослари кўрсатиб берилган.

Ушбу бобнинг “**Хожагон-нақшбандия таълимотининг ўрганилиши**” деб номланган биринчи фаслида Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларда хожагон-нақшбандия тариқати тарихи ва таълимотининг ўрганилиши юзасидан умумий шарҳ берилади. Бунда аниқланишича, хожагон-нақшбандия тариқати тасаввуф тарихи давомида вужудга келган илк, асосий ва кенг тарқалган тариқатлардан бири бўлишига, шунингдек, шарқшунослик тадқиқотларида анчагина кенг ўрганилганлигига қарамасдан, ҳанузгача ушбу тариқатнинг илк вужудга келган тасаввуф тариқатлари орасидаги ўрни ҳамда кенг тарқалган нуфузли тариқатлардан бири сифатидаги аҳамияти борасида аниқ ва бир хил қараш шаклланмаган, унинг келиб чиқиш илдизлари, шаклланиш ва такомиллашиш жараёни етарли даражада тадқиқ этилмаган. Бу эса, ўз навбатида, мазкур тариқатнинг илдизлари ва номланишлари, вужудга келиши ва тараққиёти, асослари ҳамда хорижий ўлкаларга ёйилишига аниқлик киритиш ва уни ёритиб бериш заруратини вужудга келтиради.

Учинчи бобнинг “**Хожагон-нақшбандия тариқати пирларининг иродат силсиласи ва номланишлари**” деб номланган иккинчи фаслида очиб берилишича, хожагон-нақшбандия тариқати вакиллари ўз иродат силсилаларини пайғамбар (с.а.в.)га олиб бориб тақашади. Бироқ ушбу тариқатга мансуб турли манбаларда ушбу силсиланинг пайғамбар (с.а.в.)дан кимлар ва неча восита орқали Хожа Абдулхолик Ғиждувонийгача етиб келганлиги тўғрисида турлича маълумот берилади. Бироқ хожагон-нақшбандия тариқати асосчилари Муҳаммад (с.а.в.)дан биринчи халифа Абу Бакр Сиддиқ орқали Хожа Абдулхолик Ғиждувонийга етиб келадиган қуйидаги силсилани асосий деб билишган: Муҳаммад (с.а.в.) → Абу Бакр Сиддиқ (ваф.634) → Салмон Форсий (ваф.654) → Қосим ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр Сиддиқ (656–725) → Жаъфар ибн Муҳаммад Содик (702–765) → Боязид Бистомий (ваф.875) → Абулҳасан Харақоний (963–1033) → Абулқосим Ғўраконий (961–1058) → Хожа Абу Али Формадий (1011–1084) → Хожа Юсуф Ҳамадоний (1048–1140) → Хожа Абдулхолик Ғиждувоний (1103–1179)⁵⁸. Хожагон-нақшбандия тариқатининг кейинги даврлардаги муаллифлари ушбу тариқатнинг турли даврларда *сиддиқия*, *тайфурия*, *хожагон* (*хожагония*), *нақшбандия*, *аҳрория* ва *дахбедия* деб аталганлигини эслатишган бўлса-да, у Ғиждувонийдан Нақшбандгача бўлган даврда *хожагон*, Нақшбанддан кейинги даврда эса кўпроқ *нақшбандия* номлари билан машҳур бўлган. Шундан келиб чиқиб, диссертацияда ушбу тариқатнинг

⁵⁸ Хожа Абдулхолик Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний [Таржимон, нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифлари: Сайфиддин Сайфуллох, Нодирхон Ҳасан]. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2003. Б. 7; Фазлуллох ибн Рўзбеҳон. Манокиби Хожа Абдулхолик Ғиждувоний / Форс тилидан Махмуд Ҳасаний таржимаси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2003. Б. 19; Муҳаммад Толиб ибн Тожиддин Ҳасанхожа Хусайний Сиддиқий. Матлаб ут-толибин (форс тилида). Нашрга тайёрловчилар: Гулом Каримий, Эркин Миркомиллов. – Тошкент: “Movarounnahr”, 2012. Б. 7; Фахриддин Али ибн Хусайн Воиз Кошифий. Рашахот айн ал-хаёт (форс тилида). 2 жилдлик. 1-жилд. – Техрон: “Нуроний” нашриёти, 1977. Б. 11–13.

Ғиждувонийдан тортиб Нақшбандгача бўлган даврни ўз ичига олувчи босқични *хожагония* босқичи, Нақшбанддан кейин бошланган иккинчи босқични эса *нақшбандия* босқичи деб аташга, мазкур тариқатнинг барча даврлардаги умумий номини эса *хожагон-нақшбандия* деб қўйишга асос бўлади, деган хулосага келинади.

Учинчи бобнинг **“*Хожагон-нақшбандия тариқатининг вужудга келиши ва ёйилиши*”** деб номланган учинчи фаслида хожагон-нақшбандия тариқатининг ташкил топиши, такомиллашиши ва ёйилиши тарихи ёритилади. Тадқиқот жараёнида аниқланишича, хожагон-нақшбандия тариқатининг бевосита муайян ташкилот сифатида вужудга келиши Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг (1048–1140) ўз таълимотини ёйиш ва шогирдлар тарбиялаш мақсадида Ўрта Осиёга келиши, Бухоро шаҳрида хонақоҳ очиб, бу ерда ўз сўфийлик мактабига асос солиши билан боғлиқ бўлиб, унинг тўрт халифасидан бири Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний мазкур силсилани сўфийлик тариқатига айлантиришга, яъни ўз мустақил тариқати – *хожагония* тариқатига асос солишга муваффақ бўлди. Ғиждувоний ушбу тариқатнинг илк асосларини шакллантириб берди. Ундан кейин тариқатга раҳбарлик қилган Хожа Муҳаммад Ориф Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжирфағнавий, Хожа Али Ромитаний, Хожа Муҳаммад Бобо Самосий, Саййид Амир Кулол ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ушбу таълимотни ривожлантиришди⁵⁹. Нақшбанддан кейин унинг халифалари Хожа Алоуддин Аттор (ваф.1400) ва Хожа Муҳаммад Порсо (1348–1420) даврида хожагон-нақшбандия тариқати бутун Мовароуннаҳрга ёйилди. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор (1404–1490) раҳбарлиги даврида эса ушбу тариқат катта иқтисодий ва сиёсий нуфузга эга бўлди. Хожагон-нақшбандия тариқати XV асрда Хуросон, Эрон ва Туркияга, XVI асрда Ҳиндистон, Шарқий Туркистон ва Хитойга, XVII асрда Волгабўйи, Яман ва Ҳижозга, XVIII асрда Миср, Сурия, Фаластин ва Боснияга, XIX асрда эса Ироқ, Курдистон, Индонезия, Малайзия, Цейлон, Филиппин, Кавказ ва Африкага кириб борди.

Учинчи бобнинг **“*Хожагон-нақшбандия таълимоти асослари*”** деб номланувчи тўртинчи фаслида хожагон-нақшбандия тариқати таълимоти асослари кўрсатиб берилди. Аниқланишича, хожагон-нақшбандия тариқати ташкил топган илк даврларданок ўзининг мустаҳкам назарий ва амалий асосларига эга бўлган мукамал сўфийлик ташкилоти сифатида намоён бўлган бўлиб, ушбу тариқат таълимоти асосларини шариат ва суннатга қаттиқ риоя қилиш, зикри хафий ҳамда ўн бир рашҳа ташкил этади.

Хожагон-нақшбандия тариқатининг барча пирлари тасаввуфнинг ислом шариатига мувофиқлигини таъкидлаш мақсадида ўз издошларини шариат ва суннатга қаттиқ риоя қилишга чақиришган. Шунингдек, Абдулхолиқ Ғиждувоний *зикри хафий*ни ўзи асос солган тариқат аъзолари учун Худони

⁵⁹ Рашаҳот айн ал-ҳаёт. 1-ж. – Б. 13–15, 34–35, 47–50, 97–98; Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Одоби тариқат. – Б. 97–98; Аз гуфтори Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний (асар бобларидан парчалар). – Б. 112–121; Рашаҳот айн ал-ҳаёт. 1-ж. Б. 11, 38; Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балоғардон (Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд). Форсийдан таржима, сўзбоши ва луғат муаллифи Маҳмудхон Маҳдум Ҳасанхон Маҳдум ўғли. – Тошкент: “Ёзувчи”, 1993. – Б. 54, 77, 84–86, 97–98; Нафаҳот ул-унс. Б. 391; Насойим ул-муҳаббат. – Б. 27.

эслашнинг асосий усули сифатида белгилаб қўйган. Анжирфағнавий давридан Амир Кулол давригача *зикри жаҳрий* амалиёти қўлланилган бўлса-да, Баҳоуддин Нақшбанд *зикри хафий*ни қайтадан жорий этган.

Хожагон-нақшбандия тариқатининг “рашҳалар” (“томчилар”) деб аталувчи ўн бир қондаси эса қуйидагилардан иборат: 1) *хуш дар дам* (ҳар бир нафасда Худонинг ёди билан бўлиш); 2) *назар бар қадам* (ҳар бир қадамга эътибор бериш); 3) *сафар дар ватан* (ўз жойида турган ҳолда сафар қилиш); 4) *хилват дар анжуман* (одамлар орасидаги хилват); 5) *ёдкард* (эслаш); 6) *бозгаит* (қайтиш); 7) *нигоҳдошт* (сақлаш); 8) *ёддошт* (эсда тутиш); 9) *вуқуфи замоний* (вақтдаги воқиғлик); 10) *вуқуфи ададий* (санокдаги воқиғлик); 11) *вуқуфи қалбий* (қалбдаги воқиғлик). Тадқиқот жараёнида аниқланишича, мазкур қондалардан илк тўрттаси Хожа Юсуф Ҳамадоний, навбатдаги тўрттаси Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний, охириги учтаси эса Хожа Баҳоуддин Нақшбанд томонидан ишлаб чиқилган.

Ушбу фаслда хожагон-нақшбандия таълимоти ҳосиласи сифатида *ижтимоий фаол сўфийлик* – таркидунёчиликка берилмасдан, ижтимоий фаол турмуш тарзига эга бўлган ҳолда сўфийлик қилиш тушунчаси ўртага ташланади. Диссертантнинг очиб беришича, хожагон-нақшбандия тариқати вакиллари Марказий Осиё тасаввуфининг тариқатларгача бўлган даври анъаналарини давом эттириб, таркидунёчиликка қарши кураш асносида ижтимоий фаол сўфийликни тарғиб этишган, узлат ва гўшанишинликка берилмасдан туриб ҳам доимо Худонинг ёди билан бўлиш, сайру сулук босқичларини босиб ўтиш мумкинлигини уқтиришган, ўз издошларини бошқаларнинг садақалари ёки моддий ёрдамларига кўз тикмасдан, ўз меҳнатлари билан кун кўриш, касб-кор билан фаол шуғулланишга чақиришган.

Мазкур фаслда хожагон-нақшбандия тариқатида таълим-тарбия усулига ҳам тўхтаб ўтилган. Аниқланишича, ушбу тариқатда муриднинг муршид назорати остида сайру сулук босқичларини босиб ўтиши шахсий амалиётда *мувоқабат* ва *риёзат*, муршид билан бевосита муносабат доирасида эса *таважжух*, *робита*, *суҳбат* ва *хизмат* воситасида амалга ошади⁶⁰.

Диссертациянинг икки фаслдан иборат тўртинчи боби “**IX–XI асрлар тасаввуф манбаларида хожагон-нақшбандия таълимоти илдишлари**” деб номланган бўлиб, унда хожагон-нақшбандия таълимотидаги асосий концепцияларнинг ҳамда ушбу таълимот рашҳаларининг шаклланиш илдишлари бўлиб хизмат қилган IX–XI асрлар сўфийлик манбалари –

⁶⁰ Салоҳ бин Муборак Бухорий. Анис ат-толибин ва уддат ас-соликин. – Техрон: “Кайҳон”, 1992. – Б. 30–33, 99, 142; Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний. Одоби тариқат. – Б. 97–98; Хожа Муҳаммад Ориф ар-Ревгарий. Орифнома // Форс-тожик тилидан Садриддин Салим Бухорий ва Исроил Субҳоний таржимаси. – Тошкент: “Наврўз”, 1994. – Б. 11; Шихаб ад-дин б. бинти Амир Ҳамза. Житие Амира Кулала (Макамат-и Амир Кулал). [Пер. с персид. О. М. Ястребовой]. – СПб.: Азбука; Петербургское Востоковедение, 2001. – С. 135–136; Муҳаммад бин Муҳаммад Порсо Бухорий. Қудсия (Баҳоуддин Нақшбанд сўзлари). – Техрон: “Тахурий”, 1975. – Б. 29, 34–35, 54; Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. – Б. 25, 54, 55, 77, 78; Нафаҳот ул-унс. – Б. 385, 392; Насойим ул-муҳаббат. – Б. 15, 255; Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. – Б. 12; Рашаҳот айн ал-ҳаёт. 1-ж. – Б. 38, 40–48, 50, 59, 62, 70–71, 73, 75, 97–98; Султон Муҳаммад Дорошукӯх. Сафинат ул-авлиё. Тошбосма нашр. – Лакҳнав: Мунший Навал Кишур матбааси, 1862. – Б. 78; Матлаб ут-толибин. – Б. 24; Матлаб ут-толибин. – Б. 25; Матлаб ут-толибин. – Б. 26; Матлаб ут-толибин. – Б. 27.

Марказий Осиё, Хуросон ва Ироқ тасаввуф мактаблари вакилларининг асарлари ва таълимотлари тўғрисида сўз юритилади.

Ушбу бобнинг **“Хожагон-нақшбандия таълимотидаги асосий концепцияларнинг шаклланиш илдизлари”** деб номланувчи биринчи фаслида очиб берилишича, хожагон-нақшбандия таълимотидаги асосий концепциялар – *валоят, зикри жаҳрий ва зикри хафий* ҳамда *даст ба кору дил ба ёр* концепцияларининг шаклланиш илдизлари Марказий Осиё, Хуросон ва Ироқ тасаввуф мактаблари вакиллари асарлари ва таълимотларида кўзга ташланади. Жумладан:

1) хожагон-нақшбандия таълимотидаги *валоят* концепцияси Марказий Осиё тасаввуф мактабининг йирик вакилларида бўлмиш Ҳаким Термизийнинг (820–932) *“Хатм ул-авлиё”*, *“Наводир ал-усул фи аҳодис ар-расул”* ва Мустамлий Бухорийнинг (ваф.1043) *“Шарҳ ат-Таъарруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф”* асарларига таянган ҳолда шакллантирилган;

2) хожагон-нақшбандия таълимотидаги *зикр* концепцияси, жумладан унинг *жаҳрий* (ошкора) ва *хафий* (яширин) турлари Ироқ тасаввуф мактаби вакили Саҳл бин Абдуллоҳ ат-Тустарий (818–896) томонидан асос солинган саҳлия сўфийлик оқими таълимотидаги *тил билан қилинадиган зикр* ва *қалб билан қилинадиган зикр*, шунингдек, Марказий Осиё тасаввуф мактаби вакили Мустамлий Бухорий талқинидаги *тилдаги зикр* ва *сирдаги зикр* тушунчалари асосида шакллантирилган;

3) хожагон-нақшбандия тариқати асосчилари *даст ба кору дил ба ёр* назариясини ижтимоий фаол сўфийликни тарғиб этувчи Марказий Осиё тасаввуф мактаби ғоялари, жумладан *ҳакимия* сўфийлик оқимининг Самарқанддаги вакили Ҳаким Самарқандий (ваф.953) таълимотидан илҳомланган ҳолда ишлаб чиқишган⁶¹.

Тўртинчи бобнинг **“Хожагон-нақшбандия таълимоти раишхаларининг шаклланиш илдизлари”** деб номланувчи иккинчи фаслида хожагон-нақшбандия таълимотидаги муҳим унсурлардан бири – “раишхалар” (“томчилар”) деб аталувчи 11 қоиданинг шаклланиш илдизлари тадқиқ этилади. Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, ушбу раишхалардан камида 7 таси Марказий Осиё тасаввуф мактабининг Ҳаким Термизий ва Мустамлий Бухорий, шунингдек Ироқ тасаввуф мактабининг Ҳорис ибн Асад Муҳосибий (ваф.857), Абу-л-Ҳусайн Нурий (ваф.907) ҳамда Хуросон тасаввуф мактабининг маломатийлик оқими, Али ибн Усмон ал-Жуллабий ал-Ҳужвирий (ваф.1073) ва Абу Ҳомид Ғаззолий (1058–1111) асарлари ва таълимотлари асосида ишлаб чиқилган. Жумладан:

1) *ҳуш дар дам* раишхаси (биринчи раишха) Марказий Осиё тасаввуф мактаби вакили Мустамлий Бухорий томонидан ишлаб чиқилган *бир лаҳза ҳам Ҳақдан гофил бўлмаслик* шарти асосида ишлаб чиқилган;

⁶¹ Хатм ал-авлиё. – Б. 68, 117-118, 331, 136-137, 333-334, 343, 361, 367-368; Анис ат-толибин. – Б. 71-72, 75, 78-79, 95-96; Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. – Б. 32-33, 54; Шарҳ ат-Таъарруф. 1-р. Б. 50, 237; Ўша асар. 3-р. – Б. 1327-1328; Рашаҳот айн ал-ҳаёт. 1-ж. – Б. 97-98; Абу Наср ас-Саррож ат-Тусий. ал-Лумаъ. – Миср: Дор ул-кутуб ал-ҳадиса, Бағдод: Мактабат ул-мусанно, 1960. – Б. 290.

2) *сафар дар ватан* рашҳаси (учинчи рашҳа) Марказий Осиё тасаввуф мактаби вакили Мустамлий Бухорий томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Хуросон тасаввуф мактаби вакили Абу Ҳомид Ғаззолий томонидан ҳам таърифланган *сафари ботин* (ботиндаги сафар, ички сафар) ғоясидан илҳом олган ҳолда ишлаб чиқилган;

3) *хилват дар анжуман* рашҳаси (тўртинчи рашҳа) Ироқ тасаввуф мактаби вакили Абу-л-Хусайн Нурий томонидан асос солинган нурия сўфийлик оқимининг *суҳбат* (одамлар билан бирга бўлиш), Хуросон тасаввуф мактаби вакили Ҳамдун Қассор томонидан асос солинган маломатия сўфийлик оқимининг *зоҳирга эмас, ботинга эътибор* тамойили ҳамда Марказий Осиё тасаввуф мактаби вакили Мустамлий Бухорийнинг *зоҳирда (жисман) халқ билан, ботинда (қалбан) Ҳақ билан бўлиш* ёки *ботиний хилват* ғояси таъсирида ишлаб чиқилган;

4) *ёдкард* рашҳаси (бешинчи рашҳа) Марказий Осиё тасаввуф мактаби вакили Мустамлий Бухорий томонидан ишлаб чиқилган *ёдкард* шартини такомиллаштириш асосида шакллантирилган;

5) *нигоҳдошт* рашҳаси (еттинчи рашҳа) Марказий Осиё тасаввуф мактаби вакили Ҳаким Термизийнинг *нигоҳдошт* (ўз кўнглини кераксиз ўй-фикрлардан сақлаш, ўй-хаёли фақатгина Аллоҳ таоло билан банд бўлиши учун ўзини ва бошқа барча нарсани унутиш) ғояси, ушбу мактаб вакили Мустамлий Бухорий томонидан ишлаб чиқилган *нигоҳдоштани хавотир* (ўй-хаёлни Аллоҳдан бошқа нарсаларга қаратилишдан сақлаш) қоидаси ҳамда Хуросон тасаввуф мактаби вакили Али Жуллабий Ҳужвирийнинг *нигоҳдошти дил аз андешайи гайр* (қалбни бегона ўйлардан сақлаш) ғоясини такомиллаштириш асосида шаклланган;

б) *ёддошт* рашҳаси (саққизинчи рашҳа) Марказий Осиё тасаввуф мактаби вакили Ҳаким Термизийнинг *ёддошт* (Аллоҳни ёдда тутиш, Аллоҳни эслашда бардавом бўлиш, Аллоҳни доимо зикр қилиш) ғояси ҳамда ушбу мактаб вакили Мустамлий Бухорий томонидан ишлаб чиқилган *ёддошт* (доимий зикр – Аллоҳни узлуксиз тарзда эслаш, Аллоҳни эсда тутиш) қоидаси асосида ишлаб чиқилган;

7) *вуқуфи замоний* рашҳаси (тўққизинчи рашҳа) Ироқ тасаввуф мактаби вакили Ҳорис ибн Асад Муҳосибий томонидан ишлаб чиқилган *муҳосаба* (ўзини назорат қилиш) қоидаси асосида ишлаб чиқилган⁶².

⁶² Шарҳ ат-Таъарруф. 1-р. – Б. 82, 121–193; Ўша асар. 3-р. – Б. 1053, 1119–1166, 1132, 1327, 1330, 1344, 1347; Ўша асар. 4-р. – Б. 1742; ал-Лумаъ. – Б. 277–279, 290–291; Кут ал-қулуб. 1-ж. Б. 15–20; ат-Таъарруф. Б. 122–125; Сулабий. Табақот ас-суфия. – Б. 13–14, 68, 89, 117; Ансорий. Табақот ас-суфия. – Б. 40, 52, 507, 568; Кашф ал-махжуб. – Б. 62, 102, 219, 245, 449–450; Шайх Абдулқодир Гелоний. Рисолайи ғавсия. – Техрон: “Мавло”, 2014. – Б. 40; Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимёйи саодат. 1-жилд. – Техрон: “Илмий-маданий”, 2001. – Б. 456; Тазкират ул-авлиё. – Б. 495; Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимёйи саодат. 1-жилд. – Техрон: “Илмий-маданий”, 2001. – Б. 424, 434–457, 500; Ўша асар. 2-жилд. – Б. 148, 250; Хожа Юсуф Ҳамадоний. Рутбат ул-хаёт. – Техрон: “Тус”, 1983. – Б. 34; Ал-Ҳаким ат-Термизий. Жавобу китоб минар Райй; Китоб сийрат ал-авлиё; Жавоб ал-масоил аллати саъалаҳу аҳлу Сараҳс анҳо [Шарқшунос Бернард Радтке нашрга тайёрлаган]. – Штуттгарт, “Франц Штайнер” нашриёти, 1992. – Б. 143, 145, 146; ал-Ҳаким ат-Термизий. Адаб ан-нафс. – Қоҳира: “Дор ал-масрия вал-лубнония”, 1993. – Б. 38–39; Хатм ал-авлиё. – Б. 332; Рашаҳот айн ал-хаёт. 1-ж. – Б. 46, 47; Ал-Ҳаким ат-Термизий. Жавобу китоб минар Райй. – Б. 61, 86–87.

Диссертациянинг “**ХII–ХIV асрлар хожагон-нақшбандия тариқати манбаларида таълимот асосларининг қўйилиши ва мустаҳкамланиши**” деб номланувчи бешинчи бобида хожагон-нақшбандия тариқатининг Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийдан то Хожа Баҳоуддин Нақшбандгача бўлган илк етти раҳбари асарлари ва таълимотларида ушбу тариқат таълимоти асосларининг қўйилиши ва мустаҳкамланиши жараёни ёритилган.

Ушбу бобнинг “**Гиждувоний асарларида хожагон-нақшбандия таълимоти асосларининг қўйилиши**” деб номланган биринчи фаслида хожагон-нақшбандия тариқати асосчиси Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний таълимотининг асосий жиҳатлари ёритиб берилган. Аниқланишича, Абдулхолиқ Гиждувоний ўзининг “Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний”, “Одоби тариқат” ва “Аз гуфтори Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний” номли асарлари, рубойларида, ваъз йиғинлари ҳамда шахсий сўфийлик амалиётида хожагон-нақшбандия тариқатининг қўйидаги назарий ва амалий асосларини яратиб берди: 1) шариат ва суннатга қаттиқ риоя қилиш (тасаввуфнинг ислом шариатига мувофиқлигини таъкидлаш мақсадида); 2) сайру сулук мақомлари: *тавба, иродат, зуҳд ва тақво, сабр ва ризо, муҳаббат ва садоқат, тафвиз ва таслим* ҳамда *шукр ва таваккул*; 3) муридлик шартлари: *зикр* (Аллоҳни эслаш), *хаёлга келган ўйларни фарқлаш* (уларнинг Худо, фаришталар, нафс ёки шайтон томонидан юборилганлигини билиш), *қалб соғлиғи* (қалбни Ҳақ таоло рози бўлмаган нарсалардан пок сақлаш); 4) зикри хафий (Худони эслашнинг асосий усули сифатида); 5) рашҳалар: Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний устози Хожа Юсуф Ҳамадоний томонидан ўртага ташланган илк тўрт рашҳа – *ҳуш дар дам, назар бар қадам, сафар дар ватан* ва *хилват дар анжуман* рашҳаларини тўлақонли концепцияларга айлантириб, ўзи ҳам қўшимча равишда яна тўрт рашҳа – *ёдкард, бозгаит, нигоҳдошт* ва *ёддошт* рашҳаларини ишлаб чиқди ва уларнинг сонини саккизтага етказди; 6) ижтимоий фаол сўфийлик: Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний таркидунёчиликка қарши чиқиб, хилватга чекинмасдан туриб ҳам Худонинг ёди билан бўлиш, сайру сулук босқичларини босиб ўтиш мумкинлигини уқтирди; 7) тариқат одоблари: Абдулхолиқ Гиждувоний ўз тариқати аъзолари учун одоб-ахлоқ қоидаларини ҳам ишлаб чиқди.

Бешинчи бобнинг “**Ориф Ревгарийдан Амир Кулолгача бўлган даврда хожагон-нақшбандия таълимотидаги ўзгаришлар**” деб номланувчи иккинчи фасли тариқат асосчиси Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийданг кейин то тариқатнинг еттинчи раҳбари Хожа Баҳоуддин Нақшбандгача бўлган даврда тариқат раҳбарлигини амалга оширган беш пир – Хожа Муҳаммад Ориф Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжирфағнавий, Хожа Али Ромитаний, Хожа Муҳаммад Бобо Самосий ва Саййид Амир Кулоллар даврида хожагон-нақшбандия таълимотига киритилган тўлдиришлар ва ўзгартиришлар таҳлил этилган. Ушбу таҳлиллар натижасида қўйидагилар аниқланди:

Хожа Ориф Ревгарий ўзидан қолдирган ягона асар “Орифнома” ҳамда ўз шайхлик амалиётида тасаввуфнинг ўз тасавбуридаги қўйидаги манзарасини чизиб беради: 1) шариат (тасаввуфнинг илк шарти сифатида); 2) сайру сулук босқичлари: *тавба, важд, кашф, маърифат, мушоҳадат, висол*; 3) сайру

сулук ҳосилалари: *маърифат*, *ориқлик* ва *валийлик*; 4) сайру сулук одоблари: нафсга қарши курашиш, бойликка ўч бўлмаслик, бориға қаноат қилиш, бойиб кетганда ҳам ўзларини йўқотиб қўймаслик, кўнгил поклиги, одамларга хизмат қилиш, ҳеч кимга хизмат буюрмаслик.

Хожа Маҳмуд Анжирфағнавий ўз пирлари ишини давом эттириш, уларнинг таълимотини тарғиб этиш билан биргаликда хожагон-нақшбандия тариқати қоидаларидан бири бўлган зикри хафий ўрнига зикри жаҳрийни жорий этди.

Хожа Али Ромитаний хожагон силсиласининг ўзидан олдин ўтган пирлари таълимотини ёйишда давом этиш билан бирга, унга ўзи ҳам айрим янгиликлар киритади. Жумладан: 1) устози Хожа Маҳмуд Анжирфағнавий томонидан ўрнатилган зикри жаҳрийни давом эттириш билан биргаликда зикри хафийни ҳам қўллаш бошлади; 2) ўзининг “Рисолайи Ҳазрат Азизон” асарида сўфийликнинг қуйидаги ўн шартини ишлаб чиқади: *поклик* (ўз навбатида зоҳир поклиги, ботин поклиги, қалб поклиги ва сир поклигига бўлинади); *сукут* (тилни ёмон гаплардан тийиш); *хилват* ва *узлат* (номаҳрамларга қарамаслик, қўлни ёмон нарсаларга тегиш, оёқни ёмон нарсаларни босиш ва қулоқни ёмон нарсаларни эшитишдан тийиш); *рўза*; *зикр*; *хаёлга келган ўйларни фарқлаш* (уларнинг Худо, фаришталар, нафс ёки шайтон томонидан юборилганлигини билиш); *ризо* ва *таваккул*; *солиҳ кишилар билан бирга бўлиш*, *фосиқ кишилардан узоқ туриш*; *тунги бедорлик* ва *Аллоҳ таолога муҳаббат*; *ҳалол луқма*; 3) валийларнинг тасаввуфда юксак мақомга эгалиklarини таъкидлайди, жумладан, валийларга хизмат қилиш солиқларнинг сайру сулукдаги мақомларни тезроқ босиб ўтишларига ёрдам беришини уқтиради.

Хожа Муҳаммад Бобо Самосий хожагон силсиласининг олдинги пирлари, жумладан, ўз муршиди Хожа Али Ромитаний таълимотини давом эттириб, зикрнинг икки турини – *зикри жаҳрий* ва *зикри хафий*ни қўллаган. Шунингдек, у ўз сўфийлик фаолиятида *ризо*, *жамъ* ва *тафриқа*га эътибор берган.

Саййид Амир Кулол Хожа Маҳмуд Анжирфағнавий давридан бошлаб жорий этилган *зикри жаҳрий*ни қўллашда давом этди. Шунингдек, “Мақомоти Амир Кулол” асарида унинг сўфийлик шартлари ва одоблари ҳамда айрим сўфиёна тушунчалар борасидаги қуйидаги қарашлари акс этган: 1) шариат: *тариқат* асосини *шариат*га риоя қилиш ташкил этади; 2) сайру сулук шартлари: *ихлос*, *хавф*, *ҳалол луқма* *ейиш*, *тавба*, *иродат*, *зикр*; 3) сўфийлик одоблари: ота-онага хизмат қилиш, қўшниларга меҳр-оқибат кўрсатиш, касб-кор билан шуғулланиш, ўз меҳнати билан кун кўриш, ўзи ва оиласининг эҳтиёжини қондирадиган даражада даромад топиш, исрофгарчиликдан эҳтиёт бўлиш.

Бешинчи бобнинг **“Нақшбанд таълимотида хожагон-нақшбандия таълимоти асосларининг мустаҳкамланиши”** деб номланувчи учинчи фасли Хожа Баҳоуддин Нақшбанд томонидан хожагон-нақшбандия таълимотининг ислоҳ қилиниши ва такомиллаштирилиши тадқиқига бағишланган. Тадқиқот жараёнида аниқланишича, хожагон тариқатини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш орқали уни кенг ёйишни ўз олдига мақсад қилиб

қўйган Хожа Баҳоуддин Нақшбанд биринчи навбатда ушбу тариқат асосчиси Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний томонидан жорий этилган, бироқ хожагон силсиласининг кейинги пирлари даврида *зикри жаҳрий* билан алмаштирилган *зикри хафий*ни қайтадан жорий этади. Шунингдек, у *хилват* ва *самоъ* амалиётига барҳам бериб, ботиний хилват – *зоҳирда халқ билан, ботинда Ҳақ билан бўлишни* тарғиб этади, Юсуф Ҳамадоний ва Абдулхолиқ Гиждувоний томонидан ишлаб чиқилган саккиз *рашҳа*га учта янги рашҳа қўшиб, уларнинг сонини ўн биттага етказди. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ўз асарлари, ваъзлари ва сўфийлик амалиётида ўзининг қуйидаги асосий жиҳатлардан иборат таълимотини шакллантирди: 1) шариат ва суннат. Баҳоуддин Нақшбанд тариқат биринчи навбатда шариатга қаттиқ риоя қилиш, пайғамбар (с.а.в.) суннатига эргашиш ва ҳар қандай бидъатдан сақланишга асосланмоғи лозимлигини уқтирган; 2) сайру сулук. Нақшбанд сайру сулукнинг қуйидаги босқичлар, мақсад ва ҳосилаларга эга эканлигини таъкидлайди: *иродат, сайру сулук босқичлари (мувоқабат – адам – фано), сайру сулукдан мақсад (маърифати ижмолийни маърифати тафсилийга айлантириш), сайру сулук ҳосилалари* (орифлик, валийлик); 3) зикр. Баҳоуддин Нақшбанд Хожа Маҳмуд Анжирфағнавий давридан то мазкур силсиланинг олтинчи пири Саййид Амир Кулол давригача қўлланилган *зикри жаҳрий* амалиётига барҳам бериб, бошлаб Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний томонидан қўлланилган *зикри хафий*ни қайтадан жорий этди; 4) ботиний хилват. Баҳоуддин Нақшбанд *хилват* ва *самоъ* амалиётига барҳам бериб, ботиний хилват – *зоҳирда халқ билан, ботинда Ҳақ билан бўлишни* тарғиб этди; 5) рашҳалар. Нақшбанд Хожа Юсуф Ҳамадоний ва Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийлар томонидан ишлаб чиқилган саккиз рашҳага яна уч рашҳа – *вуқуфи ададий* (санокдаги воқифлик), *вуқуфи замоний* (вақтдаги воқифлик) ва *вуқуфи қалбий* (қалбдаги воқифлик) рашҳаларини қўшиб, уларнинг умумий сонини ўн биттага етказди. 6) ижтимоий фаол сўфийлик. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таркидунёчилик ва гўшанишинликка қарши чиққан Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний изидан бориб, ўз издошларини хилватдан воз кечиб, суҳбат йўлини танлашга чорлади. Шунингдек, у Гиждувоний каби сўфийнинг бошқалар ҳисобидан яшамасдан, ўз меҳнати билан кун кўриши лозимлигини таъкидлайди. Жумладан, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд сўфий бўлиш учун албатта касб-кордан воз кечиб, узлатга чекиниш шарт эмаслигини уқтириб, ўз издошларини фаол иқтисодий фаолият билан шуғулланишга чорлаш мақсадида *даст ба кор-у дил ба ёр* (қўлинг ишда, кўнглинг эса ёрда бўлсин) қондасини ўртага ташлайди⁶³.

ХУЛОСА

“Хожагон-нақшбандия таълимотининг илдизлари ва шаклланиш манбалари (IX–XIV асрлар)” мавзусидаги диссертацион тадқиқотда қуйидаги хулосаларга келдик:

⁶³ Рашаҳот айн ал-ҳаёт. 2-ж. – Б. 457.

1. VIII аср ўрталарида ислом дунёсининг турли ўлкаларида вужудга келган тасаввуф ўз тарихий тараққиёти жараёнида *зоҳидлик даври* (VIII–IX асрлар), *сўфийлик мактаблари ва оқимлари даври* (IX–XI асрлар) ҳамда *сўфийлик тариқатлари даври* (XII асрдан кейин) деб номланувчи уч даврни босиб ўтди. VIII–IX асрларда Мадина, Басра, Кўфа ва Хуросон зоҳидлик мактаблари билан бирга Марказий Осиё зоҳидлик мактаби, IX–XI асрларда Нишопур, Миср, Дамашк ва Бағдод сўфийлик мактаблари билан бир пайтда Марказий Осиё сўфийлик мактаби ҳам мавжуд бўлган. Эслатиб ўтилган сўфийлик мактаблари доирасида ўн иккита, жумладан, ўнта маъқул сўфийлик оқими – *муҳосибия, қассория, тайфурия, жунайдия, нурия, саҳлия, ҳакимия, харрозия, хафифия* ва *сайёрия* ва иккита номаъқул сўфийлик оқим – *хулулия* ва *ҳалложия* фаолият кўрсатган. Мазкур сўфийлик оқимларидан иккитаси – *ҳакимия* ва *сайёрия* Марказий Осиё заминида ушбу минтақа вакиллари томонидан асос солинди.

2. Марказий Осиёда ҳукмрон мазҳаб мақомини эгаллаган суннийлик-ҳанафийлик бу ўлкада сўфиёна қарашлар ва турмуш тарзининг шаклланишида ўрин тутган муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, Мовароуннаҳр диёрида турли конфессиялар ва ақидавий оқимларнинг фаолият кўрсатганлиги ҳам бу ўлкадаги зоҳидлик ҳаракати ва қарашларининг шаклланиши ва такомиллашишида маълум ўрин тутди.

3. VIII–IX асрларда мавжуд бўлган Марказий Осиё зоҳидлик мактаби камида Марв, Бухоро, Қашқадарё ва Самарқанд тармоқларига эга бўлган. Ушбу мактаб вакиллари фаолиятида *зуҳд* ва *вараъ* ғоялари энг асосий ўрин тутиши билан биргаликда, *тавба, таваккул, ризо, хавф, ҳузн, ихлос, риёзат* ва *маърифат* ғоялари, шунингдек, бошқа зоҳидлик ва сўфийлик мактабларида кам учрайдиган *таъзим, сидқ* ва *сахо* ғоялари тарғиб қилинган. Марказий Осиё зоҳидлик мактабида бошқа, жумладан, Хуросон ва Басра зоҳидлик мактабларидан фарқли равишда *зоҳирий зуҳд* (жисмоний зуҳд) – жамиятдан бутунлай узилиб, ашаддий таркидунёчиликка берилишдан кўра *ботиний зуҳд* (кўнгилдаги зуҳд) – одамлар орасида ижтимоий фаол ҳаёт кечириб туриб қалбдан зоҳидлик қилиш унсурлари кўпроқ учрайди. Марказий Осиё зоҳидлиги илмий-назарий характерга ҳам эга бўлиб, ушбу минтақадаги зоҳидлик ҳаракати асосчилари тасаввуфга бағишланган илк асарларни яратишди.

4. IX–XI асрларда мавжуд бўлган Марказий Осиё сўфийлик мактаби доирасида ҳакимия ва сайёрия сўфийлик оқимлари, маломатия сўфийлик оқимининг Марказий Осиё тармоғи, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент сўфийлик муҳитлари фаолият кўрсатган. Ушбу сўфийлик мактаби ворисийлик (Марказий Осиё зоҳидлик мактаби ғояларининг давомчиси сифатида), ижтимоий фаол сўфийлик (узлатга чекинмасдан туриб ҳам сайру сулук босқичларини босиб ўтиш мумкинлигини уқтириш кўринишида), илмий-назарий тасаввуф (тасаввуф асосларига бағишланган асарларнинг ёзилиши кўринишида) хусусиятларига эга бўлиб, унда нафақат ўша пайтга қадар тасаввуфда тарқоқ ҳолда мавжуд бўлган тушунчалар бир тизимга солинди, балки янги концепциялар (*валоят, жамъ* ва *тафриқа*) ҳам яратилди. Марказий Осиё сўфийлик мактаби вакиллари тасаввуф тарихида

биринчилардан бўлиб тасаввуф таълимотини тизимлаштиришга киришишди. IX асрда Ҳаким Термизий томонидан бошлаб берилган тасаввуф таълимотини тизимлаштириш X аср охирлари – XI аср бошларида Калободий Бухорий ва Мустамлий Бухорийлар томонидан ниҳоясига етказилди. Ушбу муаллифлар ўзларининг “Ат-Таъарруф” ва “Шарҳ ат-Таъарруф” деб номланган асарларида биринчилардан бўлиб XI асрга қадар бўлган тасаввуфнинг мақсади, моҳияти, босқичлари ва асосий тушунчаларини қамраб олувчи тўлиқ манзарасини яратиб беришга муваффақ бўлишди.

5. Хожагон-нақшбандия тариқатига XII асрда Бухоро шаҳрида хонақоҳ очиб, бу ерда ўз сўфийлик мактабига асос солган Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг шогирди Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний томонидан асос солинди. Ғиждувонийдан кейин тариқат раҳбарлигини ўз зиммасига олган Хожа Муҳаммад Ориф Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжирфағнавий, Хожа Али Ромитаний, Хожа Муҳаммад Бобо Самосий, Саййид Амир Кулол ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ўз асарлари, ваъзлари ва шахсий амалиётларида хожагон-нақшбандия тариқати таълимотини ривожлантиришди.

6. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан кейин унинг халифалари Хожа Алоуддин Атор ва Хожа Муҳаммад Порсо даврида Мовароуннахрнинг деярли барча йирик ва ўртача шаҳарларида хожагон-нақшбандия тариқатининг хонақоҳлари пайдо бўлди. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор раҳбарлиги даврида эса ушбу тариқат катта иқтисодий ва сиёсий нуфузга эга бўлди. Хожагон-нақшбандия тариқати XV асрда Хуросон, Эрон ва Туркияга, XVI асрда Ҳиндистон, Шарқий Туркистон ва Хитойга, XVII асрда Волгабўйи, Яман ва Ҳижозга, XVIII асрда Миср, Сурия, Фаластин ва Боснияга, XIX асрда эса Ироқ, Курдистон, Индонезия, Малайзия, Цейлон, Филиппин, Кавказ ва Африкага кириб борди.

7. Хожагон-нақшбандия тариқати ўзигача бўлган тасаввуф мактаблари, жумладан узоқ тарихга эга бўлган Марказий Осиё тасаввуф мактаби анъаналари давомчиси сифатида чуқур илдизларга эга бўлиб, ўзидан олдинги сўфийлик таълимотлари ва ғояларидан таъсирланган. Жумладан, IX–XI асрлар сўфийлик манбалари – Марказий Осиё, Хуросон ва Ироқ тасаввуф мактаблари вакилларининг асарлари ва таълимотлари хожагон-нақшбандия таълимотидаги асосий концепцияларнинг ҳамда ушбу таълимот рашҳаларининг шаклланиш илдизлари бўлиб хизмат қилди.

8. Хожагон-нақшбандия таълимотидаги – *валоят*, *зикри жаҳрий* ва *зикри хафий* ҳамда *даст ба кору дил ба ёр* каби асосий концепцияларининг шаклланиш илдизлари Марказий Осиё, Хуросон ва Ироқ тасаввуф мактаблари вакиллари асарлари ва таълимотларида кўзга ташланади. Жумладан, *валоят* концепцияси Марказий Осиё тасаввуф мактаби вакиллари Ҳаким Термизийнинг ва Мустамлий Бухорий асарлари, *зикр* концепцияси Ироқ тасаввуф мактаби вакили Саҳл бин Абдуллоҳ ат-Тустарий ва Марказий Осиё тасаввуф мактаби вакили Мустамлий Бухорий таълимотлари, *даст ба кору дил ба ёр* назарияси эса Марказий Осиё тасаввуф мактаби ғоялари, жумладан Ҳаким Самарқандий таълимоти асосида ишлаб чиқилган.

9. Хожагон-нақшбандия тариқати асосчилари “рашҳалар” (“томчилар”) деб аталувчи ўн бир қоидадан камида еттитасини шакллантиришда нафақат Марказий Осиё тасаввуф мактабининг Ҳаким Термизий ва Мустамлий Бухорий каби вакиллари таълимотларига таянишган, балки Ироқ тасаввуф мактабининг Ҳорис ибн Асад Муҳосибий, Абу-л-Ҳусайн Нурий ҳамда Хуросон тасаввуф мактабининг маломатийлик оқими, Али ибн Усмон ал-Жуллабий ал-Ҳужвирий ва Абу Ҳомид Ғаззолий асарлари ва таълимотларидан таъсир ва илҳом олишган. Жумладан, *ҳуш дар дам* рашҳаси Мустамлий Бухорий, *сафар дар ватан* рашҳаси Мустамлий Бухорий ва Абу Ҳомид Ғаззолий, *хилват дар анжуман* рашҳаси Абу-л-Ҳусайн Нурий, Ҳамдун Қассор ва Мустамлий Бухорий, *ёдкард* рашҳаси Мустамлий Бухорий, *нигоҳдошт* рашҳаси Ҳаким Термизий, Мустамлий Бухорий ва Али Жуллабий Ҳужвирий, *ёддошт* рашҳаси Ҳаким Термизий ва Мустамлий Бухорий, *вуқуфи замоний* рашҳаси эса Ҳорис ибн Асад Муҳосибий томонидан тизимлаштирилган, такомиллаштирилган ёки ишлаб чиқилган концепциялар ва ғоялар асосида шакллантирилган.

10. Марказий Осиё тасаввуф мактабининг йирик вакиллари Ҳаким Термизий ва Мустамлий Бухорий таълимотлари хожагон-нақшбандия таълимотидаги асосий концепцияларнинг ҳамда ушбу таълимот рашҳаларининг шаклланишида биринчи даражали роль ўйнаган. Жумладан, хожагон-нақшбандия таълимотидаги *валоят* концепцияси тўғридан-тўғри Ҳаким Термизий томонидан ишлаб чиқилган *валоят* концепцияси асосида шакллантирилган бўлса, хожагон-нақшбандия таълимотидаги ўн бир рашҳадан олтитаси – *ҳуш дар дам*, *сафар дар ватан*, *хилват дар анжуман*, *ёдкард*, *нигоҳдошт*, *ёддошт* тўғридан-тўғри Мустамлий Бухорий томонидан тизимлаштирилган, такомиллаштирилган ва ишлаб чиқилган сўфийлик ғоялари, концепциялари ва қоидалари асосида ишлаб чиқилган.

11. Хожагон-нақшбандия таълимотидаги асосий концепцияларнинг ҳамда ушбу таълимот рашҳаларининг шаклланишида Ироқ ва Хуросон тасаввуф мактаблари ғоялари ҳам муайян ўрин тутган. Жумладан, хожагон-нақшбандия таълимотидаги ўн бир рашҳадан тўққизинчиси – *вуқуфи замоний* тўғридан-тўғри Ироқ тасаввуф мактаби вакили Ҳорис ибн Асад Муҳосибий томонидан ишлаб чиқилган *муҳосаба* (ўзини назорат қилиш) қоидаси асосида шакллантирилган бўлса, ушбу таълимотдаги *зикри жаҳрий ва зикри ҳафий* концепциясининг шаклланишида ушбу мактаб доирасидаги саҳлия сўфийлик оқими ғоялари бирламчи манба бўлиб хизмат қилган. Бундан ташқари *хилват дар анжуман* рашҳасининг шаклланишида Ироқ тасаввуф мактаби доирасидаги нурия сўфийлик оқими ғоялари муайян ўрин тутган. Шунингдек, хожагон-нақшбандия таълимоти рашҳаларидан *сафар дар ватан* рашҳасининг шаклланишида Хуросон тасаввуф мактаби вакили Абу Ҳомид Ғаззолий, *хилват дар анжуман* рашҳасининг шаклланишида Хуросон тасаввуф мактаби доирасидаги маломатия сўфийлик оқими ҳамда *нигоҳдошт* рашҳасининг шаклланишида ушбу тасаввуф мактаби вакили Али Жуллабий Ҳужвирий ғоялари муайян ўрин тутган.

